КЕП ҚОЛИНГ...

тошбақадан об қолинг!

Баҳор пайти чўлларда нима кўп – қишки уйқудан уйғонган тошбақа кўп. Эринмаган одамлар уларни битта-битта тутиб олиб, хорижга чиқариб сотишни ўйлаб топишибди. Айниқса, Россияда тошбақанинг харидори кўп экан, чунки ресторанларда тошбақа гўштидан пиширилган овқат ўзига хос деликатес (тансиқ таом) ҳисобланаркан.

2 -бет

Эҳтиёт бўлинг: КИБЕРТЕРРОРЧИ!

Атом деб номланган "беозоргина" қуролни кашф этиб қўйиб, унинг хавфини қандай бартараф этишни билмай, боши қотиб турган инсоният XX асрнинг охирги ўн йиллигида яна бир улкан таҳдидга дуч келди — кибертерроризм! Виртуал оламдаги террорчилик маъносини билдирувчи бу атамани фанга 1980-йилларда АҚШ Хавфсизлик ва разведка институти илмий ходими Бэрри Коллин олиб кирган.

3 -бет

ДОВРУҚЛАРНИНГ ҚАНОТИДА ЯШАЙДИ ДЕНОВ



Тўғри, Искандар Макидунлининг бу эътирофи билан А. Қаҳҳорнинг таърифи ўртасида 2 минг йил турибди. Аммо олимлар вақт ўтгани билан одамнинг томиридаги қоннинг таркиби ўзгармаслигини аниқладилар ва миқёси жиҳатдан бу ўта катта кашфиётдир. Айниқса, одам маймундан тарқаган, деювчилар учун бу ҳақиқат уларнинг бўғзига қадалган пичоқ билан тенг туради.

4 -бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№20 (326) **2003**-yil **21**-may

ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ $ — 970,25 сўм

1 ЕВРО — 1134,71 сўм



«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

✓ Эҳтиром

РАҲМАТ БЎЛИБ ЁҒИЛГАЙ...



Парламентимизнинг охирги сессиясида Президент Ислом Каримов Афғонистон заминида буюк аждодларимизнинг хоки поклари ётган қабрларни обод қилиш ҳақида гапирганларида халқ вакилларининг юз-кўзларидаги ҳаяжон ифодаси ҳамон кўз олдимизда турибди. "Ахир, бу ҳамманинг дилидаги гап-ку, неча йиллик армонимиз эди" — кўпчиликнинг кўнглидан ўтган фикр шундай бўлди. Юртбоши нафақат шу давлатнинг раҳбари, айни пайтда ўз юртининг боши, ақл-заковати рамзи ҳамдир.

Сессия залида янграган, бутун мамлакатда акс-садо берган бу таклиф мазмун-моҳиятига кўра жуда серқиррадир. Асрий шон-шавкатга эга боболаримиз руҳига эҳтиром, кўнглида пок ниятларни авайлаб келаётган халқимизнинг бағрикенглиги, ўсиб келаётган ёшларимизга чинакам ибрат мужассам бу ташаббусда. Шунинг учун ҳам Президент тилга олган мавзу барчанинг юрак-юрагидан жой олди, унга қўшни мамлакатларнинг зиёлилари ҳам қойил қолишяпти. Бизга туташ давлатда яшайдиган бир ҳамкасбим ажиб бир ҳавас билан: "Қандай бахтли халқсизлар, фақат ўз юртининг нуфузи, ғурури ва истиқболи ҳақида ўйлаган Йўлбошчидан шундай фикр чиқди" деганида, рости, бутун вужудимни фахрланиш туйғуси ишғол этди.

Давлатимиз раҳбари бир суҳбатларида "Одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади" деганлари ёдимда. Ўзбекистон заминида буюк давлат қуриш ниятида яшаётган халқ ўз Юртбошиси раҳнамолигида фақат ва фақат бунёдкорлик қудратини намоён этиб келмоқда. Унинг учун вайронага айланган бир парча ер ҳам ортиқча. Агар ўша жойда буюк аждоди ётган бўлса, обод масканга айлантирмагунча тинчимайди, ўзини шу эзгу ишга фидо қилишга тайёр туради.

Ўйлашимизча, миллионлар орзу-истаги билан уйғунлашган эзгу ғоя Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Бобур сингари азиз зотларнинг руҳини шод қилаяпти. Демак, унинг меваси ҳам, натижаси ҳам Ўзбекистон заминига раҳмат бўлиб ёғилгай!

Шуҳрат ЖАББОРОВ

✓ Тадбир

МЕЪМОРЧИЛИККА ЭЪТИБОР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази биргаликда Европа Комиссисининг INTAS лойиҳаси доирасига кирувчи "Темурийлар даври меъморчилиги археоматериаллари" мавзусида халқаро илмий-назарий семинар ташкил этди. Семинарни академия ректори А. Азизхўжаев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни қизғин қутлади. Шундан сўнг К. Пакого (Бордо) INTAS дастури ҳақида йиғилганларга маълумот берди. INTAS лойиҳаси ижрочилари С. Давидов (Москва), Ш. Ғаниев (Бухоро), Т. Ширинов, А. Анорбоев (Самарқанд) ва М. Жўраев (Тошкент) лар "Советлар ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистон меъморчилик ёдгорликларининг аҳволи" мавзусида маъруза қилишаркан, шўро ҳукумати даврида қадим-қадимдан сақланиб келаётган меъморчилик ёдгорликларига анчайин путур етганига эътибор қаратишиб, эндиликда ушбу тарихий обидаларни таъмирлаш юзасидан талай таклифларни илгари сурдилар. Анжуманда республикамизда музейшуносликнинг ривожланиши, улар ёрдамида халқимизга тарихдан сабоқ бериш муҳим аҳамият касб этиши хусусида ҳам сўз юритилди. Чилия Палатамоне (Кальтажироне), В. Франковичлия (Рим), Х. Юнгер (Хельсинки) ҳамда Н. Нишонбоев (Тошкент) ларнинг "Темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларини тиклаш ва таъмирлашни геодезик таъминлаш" мавзусидаги маърузалари семинар иштирокчиларининг бир қатор таклифлари билан бойитилди.

Анжуман давомида Ж. Боннин (Страсбург), М. Швоерер (Бордо) ва Н. Немцева (Тошкент)лар "Темурийлар даврида Бухоро воҳаси кулолчилиги" мавзусида маъруза қилиб, ўша пайтда воҳа кулолчилиги юксак даражада бўлганлигини таъкидлаб ўтдилар. Семинар якунида келгуси йил иш дастурининг муҳокамаси кўриб чиқилди.

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
ЎзМУ Журналистика факультети 1-курс талабаси

✓ Ёдлов

Рақс қироличаси

Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофотлари совриндори, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоева ҳақида жуда кўп ва хўб гапириш мумкин. У ўзбек рақсини дунёга танитди, машҳур қилди. 1937 йили Ўзбекистон халқ артисти деган унвонга сазовор бўлди. Бир оз вақт ўтгач, яъни 1957 йили Опа дунёга машҳур "Баҳор" рақс ансамблини тузади. Қарангки, кўп вақт ўтмай, бу ансамбль ҳатто жаҳон миқёсида машҳур бўлиб кетди.

— Биз қаерга бормайлик, санъатимизни томоша қилиш иштиёқида бўлганлар кўпайгандан кўпайди. "Баҳор"нинг мухлислари кундан-кунга ортиб борди. Мукаррама опа билан дунёнинг 80 давлатида бўлдим. Бизнинг концертларимиз ҳамиша "аншлаг" бўларди, — деб хотирлайди Қаҳрамон Дадаев.

Ана шундай санъаткорнинг таваллуд кунларига 90 йил тўлди. Куни кеча Шайхонтоҳур тумани "Ибн Сино" маданият марказида Мукаррама Турғунбоеванинг хотираларига бағишланган бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда Опанинг шогирдлари, дўст-биродарлари, қўйингки, уни ардоқлаган мухлислар қатнашди. Кечада сўзга чиққан Розия Каримова, Қаҳрамон Дадаев, Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобов, Маъмура Эргашева устоз санъаткор ҳақида илиқ сўзлар айтишди. Ҳа, айтгандай, тадбир ташкилотчилари, аниқроғи, ташкилотчиси ҳақида икки оғиз сўз: бу байрамни "Ибн Сино" маданият маркази директори, "Умид" студиясининг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, опанинг шогирдларидан бири Азим ака Азизов ташкил қилган. Азим ака бошчилигидаги марказ машҳур санъаткорларнинг юбилей кечаларини мунтазам равишда ўтказиб келади. Мукаррама Турғунбоеванинг таваллуд куни бу ерда ҳар йили нишонланади. Бу йил ҳам улар ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда ушбу хотира кечасини ташкил қилишди. Тадбир кичик бир кошонада ўтказилган бўлса-да (умид қиламизки, кейинги йилларда бу каби катта эътиборга молик тадбир учун кенгроқ жой ажратилади), жуда чиройли ва кутилмаган даражада ўтди.

ШОҲСАНАМ

✓ Ҳамкорлик

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги борасида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилаётгани сир эмас. Биров иккаласи ҳамкорлик қилса, "коррупция бўлади-ку", деб ёзса, иккинчиси эса унинг тескарисини айтяпти. Аслида, бу табиий ҳодиса. Чунки жамиятда турфа одамлар учрагани каби турфа фикрлар ҳам мавжуд бўлади.

СУД ВА ОАВ:

ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛАШСА...

Бизнингча, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш учун олиб борилаётган ишларни тарғиб-ташвиқ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва нормаларни ёритиш, шунингдек, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабатини янгича асосларда шакллантириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкилий-маърифий тадбирлар дастури ишлаб чиқилганидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак. Мазкур дастурга мувофиқ "Соҳага ихтисослашган журналистлар учун суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ва муаммолари"га бағишланган туркум семинарлар, конференциялар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судида Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Конституциявий суд томонидан "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахбоорт воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар" мавзусида соҳага ихтисослашган журналистлар учун илмий-амалий конференция ана шулар жумласидандир. Ана шу тадбирда бундай илмий-амалий конференцияларни жойларда ҳам ўтказишга доир фикр-мулоҳазалар билдирилганди. Ва, келишилганидек, ана шундай конференциялар Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтди.

Конференцияларда кутилганидек, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилди, биргаликда амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Қилинган маърузаларда, асосан учта йўналишдаги таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Биринчисида соҳа мутахассислари ҳар икки органнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва журналистларнинг суд ишларида кўпроқ иштирок этишлари зарурлигини таъкидладилар. Иккинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, муаммолар ва янги қонунларнинг амалдаги ижросини матбуотда мунтазам ёритиб бориш зарурлиги алоҳида айтилди. Учинчи муҳим вазифа эса соҳага ихтисослашган журналистларни тайёрлаш, янгилик ва муаммоларни ўз ичига қамраб олган турли семинар ва ўқув машғулотларини мунтазам ўтказиб туришдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

✓ Чорлов

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

танлови иштирокчиларни кутмоқда

Мамлакатимиз халқи Ватанимиз мустақиллигининг шонли 12 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўраётган айни кунларда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси анъанавий

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ"

танлови ғолибларини аниқлашга киришди.

Танловда қатнашиш орзусидаги ижодкорлардан Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш манзараларини, юртдошларимиз онги, тафаккурида юз бераётган тарихий эврилишлар жараёни, мамлакатимиз қудрати, салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган бугунги қаҳрамонларимизнинг қиёфасини ўзига хос образли бўёқлар, талқинлар орқали қизиқарли ва таъсирчан акс эттирган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва фотосуратларни (2002 йили матбуотда эълон қилинган) шу йилнинг 10 июнидан кечикмай тақдим этишлари сўралади.

Танлов ҳайъатига тавсия этилган ижодий ишлар муаллифларига қайтарилмайди.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Мурожаат учун манзил:
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-хона.
Телефонлар: 144-37-87, 144-64-62

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ!»

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси сиз азиз ижодкорларга анъанавий **"НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ!"** республика танловига ижодий ишларни қабул қилиш муддати 28 майга қадар узайтирилганини билдиради!

Наврўзи олам нафақат табиатнинг, балки инсонлар қалбининг ҳам янги куни, яшариш, янгиланиш байрами. Юртимизга баҳорнинг ифорли нафасига йўғрилиб кириб келувчи нафосатли бу айёмнинг гўзал дамларини жўшиб, илҳом ва эҳтирос билан акс эттира билган ғолиб ижодкорлар муносиб тақдирланади.

- **Энг яхши газета мақоласи**
- **энг яхши газета таҳририяти**
- **энг яхши фотолавҳа**

ҳайъат томонидан аниқланади!

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар газетада эълон қилинган бўлиши шарт ва улар 28 майга қадар топширилиши лозим. Топширилган ижодий ишлар муаллифларга қайтарилмайди.

Мурожаат учун манзил:
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-хона.
Телефонлар: 144-37-87, 144-64-62

✓ Мулоҳаза

ГАП – МУНОСАБАТДА

Умримиз матбуот соҳасида ўтаётганлиги боис, баъзи бир давраларда кўпинча одамлар ҳаётида бошидан кечирган, эшитган, билганлари ҳақида гап очиб, "Тўртинчи ҳокимият қаерга қараяпти?" "Сизлар нега ҳар доим ҳам ҳақиқатни ёзмайсизлар?" дея таъна қилиб қолишади. Кейин бирови: "Биламиз, ёзганларингиз билан чоп этишмайди", деса, бошқа кимдир: "Айтган, ёзган билан ҳаёт ўзгарганда замон бутунлай бошқача бўларди", деб хулоса чиқаради.

Аввало тирноқ остидан кир қидирадиган, ҳар бир айтилаётган танқидий ёки муқобил фикрга ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридан ёндашиб, манфаатга жиндай зиён етиши хавфи сезилган заҳоти дарҳол қандай бўлмасин мулоҳазаларингизга бошқача тус беришга, сизга монеълик муҳитини яратишга ҳаракат қиладиганлар қуйидаги оддий мантиқни тўғри тушунишларини истардим: теварак-атрофда, жамиятда юз бераётган камчиликлар, бугунги кун муаммолари ҳақида гапириш таг-заминида ҳеч қандай ғаразли, ёмон ният йўқ. Аксинча, ўзгаларнинг ташвиш-дардларини дилдан ҳис этиш, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, бунинг устига куюниб, очиқ-ойдин гапириш — ҳаётда юз бераётган ғайритабиий кечинмаларга бефарқ қарамаслик, бугунги авлод тақдири ҳақида ўйлаш, қолаверса, эртанги кун ҳақида қайғуришдан бошқа нарса эмас. Бу — ватанпарварликдир. Негаки, муайян салбий ҳолатлар тўғрисида баралла сўз юритган киши ўша ҳолатларга бошқалар эътиборини ҳам қаратишни, жамиятни бенуқсон ва соф кўришни истайди. Ўз ҳузурҳаловати, осойишталигини ўйлайдиган одамгина "менга нима" ёки фарзанди ҳаётида учрайдиган иллатлар тўғрисида оғиз очиб қолган тақдирда "сенга нима" қабилида иш тутади. Қиёсан айтганда, дунёни сув босса ҳам фақат унинг кулбасига дахл қилмаса, бас! Қалби сўқир, маънавий жиҳатдан ниҳоятда қашшоқ одамгина шундай фалсафа билан яшаши мумкин. Билмайдики, ҳамма жойни сув босса, унинг хонадони омон қоладими?! Минг афсуски, оддий мантиқ — ўзи хавф-хатардан холи яшаши учун теварак-атроф, бутун юрт, она-Ўзбекистон, ҳеч муболағасиз, муқаддас замин тинч, хавф-хатардан холи бўлиши кераклигини англамайди!

Иш маромини таъминлаш учун ҳаммага ҳам қаттиқ ва аччиқ гапириш керак, деган фикрдан йироқмиз. Бир тоифа кишилар зиммасига юклатилган вазифани бурч даражасида англаб, сидқидилдан, ҳалол бажаравериди. Бундайларга айтиш, эслатиш, назоратнинг асло ҳожати йўқ. Ўзаро суҳбат орасида, йўл-йўлакай айтилган фикрни ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Айрим ишларни қўйиладиган талаб даражасида ўринлаштиришнинг иложи бўлмаса-да, қўлидан келган имконияти етганича бажаришга ҳаракат қилади. Аммо бир гапни ўн бор уқтирсангиз ҳам пинагини бузмайдиган, жонини койитмайдиган ёки гапингиз у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетадиган, кўполроқ туюлса-да, даққоқ кишилар ҳам йўқ эмас.

Йиғилишлардан бирида ногиронларга эҳтиёжига қараб қўлтиқтаёқ, аравачадан тортиб кўзойнак, эшитиш аппаратигача олиб берилишини таъминлаш мутасаддиларга топширилган ва аниқ муддатлари белгиланган эди. Орадан йигирма кундан кўпроқ вақт ўтгач, мазкур масала ижроси таҳлил этилди. Биргина Вобкент тумани бу топшириқни юз фоиз бажарганлиги маълум бўлди. Қолган деярли барча шаҳар ва туманларда бу хайрли ҳамда савобли иш поёнига етказилмаган. Шу боис айрим мутасаддилар шаънига қаттиқ гаплар айтилди. Нима, қолган шаҳар ва туманларда бунинг имконияти йўқмиди? Астойдил киришилганда, хоҳиш бўлганида, тўла ҳал қилинарди. Аёнки, уларнинг шахсан ўзларига манфаати тегадиган юмуш бўлганида унинг ечими асло орқага сурилмаслиги ва бу қадар пайсалга солинмаслиги муқаррар эди. Бироқ ҳамма ҳам эл, муайян жамоа ишончини оқлашга, ишониб топширилган масъулиятли вазифани бажаришга бирдай куч-ғайрат сарфламаётгани, бу борада бирдай жон куйдириб ишламаётгани, етарли ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатмаётганлигини инкор эта олмасалар керак. Яна гап муносабатга келиб тақалади.

Турли ташкилотларга йўлланаётган ариза ва шикоятлар таҳлили ҳам муносабат масаласига янада ойдинлик киритади. Фуқаро муаммосини ҳал этиб беришни сўраб мурожаат этган тегишли ташкилотдан сансалорлик, юзаки ёндашиш туфайли асосли жавоб ололмагач, турли юқори идораларга ариза ва шикоятлар йўллашга мажбур бўлади. Бундай муносабат, афсуски, оворагарчилик, қайта-қайта шикоятбозликларга олиб келаётир. Ишончимиз комилки, аксарият ҳолларда дастлаб муайян шикоят асосли, холисона, қонуний муддатларда ва адолат талабидан келиб чиқиб ҳал қилинганда эди, ортиқча ёзишмалар, қайта-қайта текширишлар, бир масалага такроран қайтишлар анча камайган бўларди.

(Давоми 2-бетда).

✓ Тафтиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан миллий пулимиз қадрсизланишининг олдини олиш, ноқонуний валюта операцияларини аниқлаш, валютафурушлар фаолиятига чек қўйиш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Биласизки, ноқонуний валюта операциялари бевосита банк муассасалари фаолияти билан боғлиқ. Баъзи бир банк ходимларининг бу борадаги қинғирликлари, вазифаларини суиистеъмол қилиш ҳоллари кўплаб аниқланмоқда. Биз бу борада батафсил маълумот беришларини сўраб, департамент катта инспектори Азамат ЭРГАШЕВга мурожаат қилдик.

ВАЛЮТА БИЛАН ҚЎЛГА ТУШДИ

Уларнинг 57 таси нуфузли банкларнинг ходимлари

— 2003 йилнинг 1 апрелига қадар ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида валютага оид 306 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Шулардан 192 нафар шахс жиноий, 114 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалада бўлган 203832 АҚШ доллари, 7400 АҚШ доллари миқдоридаги "American express" йўл чеклари, 54212500 сўм, 82920 Россия рубли, 332740 Қозоғистон тенгеси, 105157 Қирғизистон соми, 287500 Туркманистон манати миқдоридаги маблағлар, 41460 АҚШ долларилик ва 20554200 сўмлик товар-моддий бойликлари олиб қўйилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2003 йил 1 апрелга қадар банк муассасалари билан боғлиқ қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан 57 та жиноий иш (жами жиноят ишларининг 30,9 фоизи) қўзғатилган. Буни қуйидаги жадвал мисолида кўришимиз мумкин:

	Банк муассасаси	Банк ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари сони
1.	"Саноатқурилиш" банки	23
2.	Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки	14
3.	"Ўзуйжойжамғармабанк"	5
4.	"Тадбиркорбанк"	5
5.	"Асакабанк"	5
6.	"Ипак йўли" банки	2
7.	"Парвинабанк"	2
8.	"Бизнесбанк"	1
	ЖАМИ	**57**

Банк ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятлар асосан қуйидаги йўналишлардадир:

— бошқа фуқароларнинг паспортларидан фойдаланган ҳолда 09007 шаклидаги банк маълумотномасида хорижий валюта олганликлари ҳақидаги имзоларини қалбакилаштириб, фуқаролар номига валюта маблағлари, "American exspress" йўл чекларини сотиб олиш ва кейинчалик юқори нархларда сотиш ҳоллари;

— ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда, валюта олганликлари тўғрисидаги маълумотномаларга фуқароларга мажбуран қўл қўйдириб, валюта қимматликларини ўзлари олиши ҳоллари;

— хорижий валюта сотиб олиш эвазига валюта алмаштириш ҳоллари;

— хизмат вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда ўзларининг танишлари ва қариндошларига валюта маблағлари ва "American exspress" йўл чекларини олиб бериш ҳоллари.

Бундан ташқари, валюта айирбошлаш шахобчаларидан ҳар хил йўллар билан олинган, шунингдек, фуқаролардан қонунга хилоф равишда сотиб олинган валюта қимматликларини юқори нархларда қайта сотиш жиноятлари ҳам содир этилмоқда.

Бу йўналишдаги қонунбузарликлар асосан қуйидаги кўринишларга эга:

— валютани бозор, сунъий барпо қилинган жой, кўча, уйларда қонунга хилоф равишда олиш ва сотиш билан мунтазам шуғулланиш орқали даромад олиш;

— бошқа фуқаролар ишончини суиистеъмол қилган ҳолда паспортларидан фойдаланиб, уларнинг имзосини қалбакилаштириш орқали хорижий валюта маблағлари сотиб олиш ва ноқонуний муомалага киритиш;

— бошқа фуқаролар билан жиноий тил бириктириб, хизмат ҳақи эвазига ёллаган ҳолда улар орқали хорижий валюта маблағлари сотиб олиш ва ноқонуний муомалага киритиш.

Баъзи ҳолатларда республика ҳудудида тадбиркорлар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари, шунингдек, фуқаролар томонидан қонунга хилоф равишда товарларни хорижий валютага сотиш, кўрсатилган хизматлар учун чет эл валютасида ҳисоб-китоб қилиш каби ҳуқуқбузарликлар аниқланмоқда.

2003 йилнинг 1-чорагида бу турдаги қонунбузилишлар бўйича 60 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган хорижий валютадаги тўловларнинг қонунийлигини, валюта операциялари бўйича ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини текшириш, хорижий валютада операцияларни амалга оширишда қонун бузилишларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида амалга оширилган тадбирлар натижалари юзасидан 4 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Департамент Марказий маҳкамаси ва Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир натижасида "Шаҳзод" ХФ раҳбари Азим Акрамов қонунга хилоф равишда турли хил корхона ва ташкилотлардан сотиб олинган жами 283716 АҚШ доллари миқдоридаги 168462 кг пахта ипи калаваларини Россия Федерациясининг Пенза шаҳридаги "Сунна" масъулияти чекланган жамияти ва Украина Республикаси Киев шаҳридаги "Силуэт" корхоналарига ўртада тузилган шартномалар асосида етказиб бериб, тайёр брезент кўринишида республикага қайтарилишини таъминламаганлиги аниқланди. Шунингдек, "Шаҳзод" ХФ ташкил этилгандан бери давлат солиқ инспекциясига умуман ҳисобот топширмасдан, даромадларни яшириб келаётганлиги аниқланган.

Собир Раҳимов туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида, валютани мунтазам равишда ноқонуний муомалага киритиш билан шуғулланувчи фуқаролар Абдусалом ва Абдураҳим Валиевлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ўз уйида фуқаро Элдор Аминовдан 100 АҚШ долларини 132,0 минг сўмга ноқонуний равишда сотиб олган вақтида ушланган. Фуқаро Адҳам Содиқохунов текширилганда, унинг қўлидаги целлофан пакетда 1000 АҚШ доллари борлиги ва валюта қимматликларига ҳеч қандай ҳужжатларни тақдим эта олмаганлиги ҳамда фуқаро Абдураҳим Валиевнинг чўнтагида ҳеч қандай ҳужжатсиз 900 АҚШ доллари борлиги аниқланиб, жами 1900 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинган.

Қўзғатилган жиноят ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, валютага оид қонунбузилишлар бўйича қўзғатилган 184 та жиноят ишининг 79 таси (42,9 фоизи) Тошкент шаҳрида содир этилган.

Улар 255 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган бўлиб, шулардан 199 нафари (78,0 фоизи) эркаклар, 56 таси (22 фоиз) аёллардир. Бундан ташқари, жиноят содир этган шахсларнинг 182 тасини ишламайдиган фуқаролар ташкил этади.

Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ ёзиб олди

Фаолият

ЭРКИН МАТБУОТ МАДАДКОРИ

Мана, олти йилдан ошдики, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси журналистлар учун турли ташкилий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий семинарлар, ижодий танловлар ўтказишга, ҳамкасбларимизнинг, жумладан, фахрийларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Жамғармамиз томонидан ўтказиб келинаётган "Энг улуғ, энг азиз", "Наврўз — боқий байрам", "Йилнинг энг яхши журналисти", "Ҳуқуқ ва бурч" танловларида қатнашаётган журналистлар сони ва тақдим этилаётган ижодий ишлар сифати йил сайин ортиб бормоқда.

Анъанавий танловлар сафига ҳар йили янгилари ҳам қўшилмоқдаки, бу ўз навбатида жамғармамизга алоҳида масъулият юклайди. "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ, бир қатор муассасалар билан ҳамкорликда эълон қилинган "Қариялар — юрт кўрки, зийнати" республика танлови яқинда якунига етди. Жамғарма "Халқ сўзи" — "Народное слово", "Правда Востока" газеталари ҳамда "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ўтказган "Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар" — "Мустақил Ўзбекистон — замондошларимиз сиймосида" танловига жами 1 000 000 сўмга яқин маблағ ажратди.

Табиийки, бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ўзига яраша моддий ресурсларни талаб этади. Жамғарма ижодий танловлар ўтказиш мақсадида 2002 йил давомида 2 356 900 сўм миқдорда маблағ сарфлади. Ҳар доимгидек, журналистика фахрийлари ҳолидан хабар олишга "Қарияларни қадрлаш йили"да алоҳида эътибор берилди. Айни мақсадлар йўлида кўрсатилган ҳомийлик ёрдами қарийб 400 минг сўмни ташкил этди.

Ҳамкасбларимиз учун қадрли бўлган 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини мароқли ва кўтаринки руҳда ўтказишда ўтган йилида ҳам ҳар қачонгидан кам ҳаракат қилинмади. Ушбу байрамни юқори савияда ўтказиш учун тайёргарликни биз йил бошидан бошлаб юборган эдик. Байрамда жамғарма томонидан оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар, матбуотимиз фахрийлари ва талаба-журналистларга турли совға-саломлар улашилди. Айниқса, ҳамкасбларимизнинг жажжи фарзандлари шу куни бошқалардан кўра кўпроқ хурсанд бўлишди. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тантаналарида ва ундан сўнг 5 кун мобайнида ўнлаб аттракционлар 500 нафардан зиёд ўғил-қизга бепул хизмат кўрсатди. Байрамни кўнгилдагидек ўтказиш учун жамғарма томонидан 1 138 950 сўм сарфланди.

Чунончи, жамғарма матбуотни имкон доирасида қўллаб-қувватламоқда. Шу муносабат билан ўтган йили ёрдамга муҳтож газета ва журналларга турли байрам совғалари улашилди. Жамғарма муассислиги ва ҳаммуассислигида чоп этилаётган нашрларга ("Хуррият" — 1 900 000 сўм, "Ўзбекистон матбуоти" — 1 995 000 сўм, "Шарқ юлдузи" — 100 000 сўм, жами — 3 995 000 сўм) техник ва молиявий кўмак берилди.

2002 йил жамғармамиз томонидан таъсис этилган "Журналист аёллар" клубининг ишлари ҳам жонланиб кетди. Клуб етакчилари журналист аёллар билан бир қатор танлов ва байрам тадбирлари ўтказди. Ушбу клубни қўллаб-қувватлашга 400 000 сўм пул ажратдик.

Албатта, санаб ўтилган тадбирларни юқори савияда ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Иқтисодий бақувват корхонагина ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ва танловлар ўтказиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Иқтисодий рақобат авж олаётган ҳозирги бозор шароитида маблағ топиш осон кечаётгани йўқ. Жамғарма айланма маблағларини ошириш мақсадида "ёрдамчи хўжаликлар" — Миллий матбуот маркази, "Хуррият", "Ҳилол нури", "Журналист", "Илҳом ва аср", "Ташқи савдо" шўъба корхоналари тадбиркорлик фаолияти олиб бормоқда. Шўъба корхоналари фаолияти ҳақида сўз борганда, бир мулоҳазани айтишга тўғри келади. Одатда, шўъба корхонаси молиявий-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу йўл билан моддий базани мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади. Жамғармага қарашли шўъба корхоналаридан Миллий матбуот марказы, "Журналист", "Ҳилол нури" ўз "арава"сини тортиб иш юритмоқда. "Ташқи савдо"нинг илгариги фаолиятидан асар қолмади ҳисоб. "Илҳом ва аср" мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш чораларини изламоқда, бироқ унга бундан икки йилча бурун раҳбарлик қилган ва бир талай камомадлар қилиб, корхонани ўлда-жўлда қолдириб кетган Ғайбулло Саъдуллаев исмли шахснинг охири кўринмаётган ваъдабозликлари ишимизга панд бермоқда. Бундай совуққонлик кескинроқ чоралар қўллашгача етиб боришини эса нуфузли ташкилотда хизмат қилаётган бу киши жуда яхши тасаввур қилади, деб ўйлаймиз. Қисқача айтганда, жамғарма 2002 ҳисобот йилида 16 731 000 сўмлик иш бажариб, матбуот ходимлари, фахрийлар, таҳририятларни қўллаб-қувватлаш ва ижодий танловлар учун 13 280 000 сўм маблағ йўналтирди.

Жорий йилда ҳам жамғарма томонидан ўтказилиши лозим бўлган аниқ ишлар режаси тузилган. Яхши анъаналаримизни келгусида давом эттирамиз, албатта. Мақсадимиз — матбуотимиз гуллаб-яшнаса, журналистларимиз бошқа касб эгаларидан кам бўлмай яшаса. Ўйлаймизки, эзгу ниятларни рўёбга чиқариш йўлида бизга ҳаммаслак, мададкор бўладиган ҳамкорларимиз кўплаб топилади.

Абдуманноб АБДУСАТТОРОВ,
Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ижрочи директори

Менталитет

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмамон.

Алишер НАВОИЙ

Кимки умумий таҳлика дақиқаларида ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир хаёлга борса, у озод давлатда яшашга ҳақли эмас.

Фридрих КЛИНГЕР

Ватан! Сени қучай десам, қулочим етмайди. Ватан! Сени меҳрли нигоҳларим билан қучаман.

"Кундалик"дан

«БЎЙИНГДАН...»

7. Ҳақиқатни, менимча, икки хил ёндашув орқали тан оладилар: 1) уни инкор этиб; 2) уни эътироф этиб.

Ҳақиқатни инкор этиб тан олишда бирор фикр (яъни ҳақиқат) га қарши борилади, қарши фикр айтилади. Ана шу изҳор қилинган фикрни (ўз шахсий ёндашувини) исботлаш жараёнида аслида ҳақиқат (тўғри) бўлган фикр жамол очаверади, юзага қалқиб чиқаверади. Шундай қилиб, ҳақиқат ўзини ўзи инкор қилиш орқали тан олинади.

Иккинчи йўл — ҳақиқатни эътироф этиб тан олишнинг диалектикаси оддий — изҳор қилинган фикр (ҳақиқат)ни ташкил этувчи мотивларни кучайтирадиган, қўллаб-қувватлайдиган янги далиллар топилади ва фикр бутун илдизи билан намоён бўлиб, тўла тан олинади.

Гап ҳақиқатни тан олиш ҳақида кетар экан, иккита ёки учта ёндашувнинг нима кераги бор, деб эътироз билдирилиши мумкин. Шунда қадим файласуфнинг гапи ёдга тушади: "Ҳақиқатни топиш эмас, уни излаш мароқли". Ҳар ҳолда осонқийин бўлиши мумкин, бироқ бир манзилга турли йўллар билан бориш борлиқ, демак, маълум ҳаёт ҳақида тўлароқ тасаввур беради. Инчунин, ҳақиқатни тан олишнинг биринчи йўли анча мураккаб бўлиб, узоқ давом этиши, кутилмаган вазиятлар содир бўлиши мумкин. Иккинчиси эса анча силлиқ, кўпроқ таомилда бўладиган йўлдир.

Мен ҳам "Менталитет" рукнидаги мақолаларда ("Хуррият", № 4, 6, 7, 9, 10, 11-12, 16, 2003 йил) биринчи йўлдан боришга ҳаракат қилдим. Баъзан жамоатчиликда шаклланган умумий қарашларга муқобил мулоҳазалар билдирдим. Шу аснода биз миллий қадрият ёки анъана деб улуғлаб келаётган турмуш тарзимиздаги баъзи урф-одатлар бир оз тафтишга муҳтож экани ҳам кўриниб қолди. Лекин хулоса битта: ўзбеклар дунёдаги энг бой тарихга эга бўлган халқлар сирасига киради ва айни пайтда бу бойликнинг муносиб ворислари камол топмоқда.

Шу ўринда халқимиз шаънига айтиб келинган кўплаб мақтовларни келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси чин юракдан тан олиниб изҳор қилинган. Гап ҳозир бу ҳақда бўлмагани учун лоақал Илья Эренбург деган русийзабон ёзувчининг "Ўзбеклар" очеркини қайд этиб ўтайлик. Илья Эренбург табиатан бир сўзли, эътиқоди бутун қаламкаш сифатида эътироф этилади. У Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаган. Халқимизнинг саховатидан баҳраманд бўлган, бағри кенглигини кўрган. Оқибатда, ўша даврнинг "шон-шарафи, ор-номуси, виждони" ҳисобланган КПССни ҳам тан олмаган (унга аъзо бўлмаган) ёзувчи ўзбекларга қуллуқ қилади, фронтда "қаншари паст" фашистни (улар ўзларини олий ирқмиз, деб роса дунёга жар солишганди) олдига солиб ҳайдаб кетаётган ғолиб ўзбек йигитига энг ардоқли сўзлари билан таъриф беради.

Олдин қайд этганимиздек, бу ҳудудда макон топган халқлар (яъни, шартли равишда — "ўзбек"лар) туркий қавмнинг аристократ (зодагон) қатламидан шаклланган ростлиги феъл-атворида, турмуш тарзида жуда сезилади: ҳамма масалада амалий ёндашувдан кўра ҳиссийлик, ҳавойилик кучли; имкониятини ошириброқ баҳолайди; ҳаёт ташвишлари ҳақида эмас, кўпроқ тантаналар, байрамлар ҳақида бош қотиради; атрофдагилардан ўз ҳиммати, ташаббусидан кўра кўпроқ эътибор, иззат талаб қилади; ҳаётда тайёргарлиги (сарфлаган меҳнатидан) умиди устун ва ҳоказо. Албатта, бу шахсий кузатишлардан чиқарган хулосаларимиз, уларга эътироз бўлиши мумкин, бироқ сўзсиз тан олинадиган, неча юз йиллардан бери шу халқнинг бўй-бастини дунёга намойиш қилиб турган ҳақиқатлар борки, уларни ҳеч ким рад этолмайди. Улар фақат ўзбек халқининг ҳаёт тарзида кашф қилинган ва фақат шу халққа тегишли, холос.

Хонадонларимизда ҳамма сажда қиладиган, оналар бағрини босиб, меҳрини тўкиб соладиган бир олий тахт бор. Унинг номи —

БЕШИК.

Оддийгина қурилма. Бироқ унинг синоатларидан баҳраманд бўлганлар, эсини таниб, ҳикматларини тушуниб етганлар бу мўъжаз ошиённи қанчалик буюк ақл яратганини чамалай олади. Тўғри, бешик бошқа халқларда ҳам бордир, энди урф бўлаётгандир, лекин айнан болажон ўзбек оиласига у жуда ярашади.

Ҳар бир халқнинг ўз таомлари бўлади, ҳатто ўз нонлари бор: буханка, каравай, ҳубс... Аммо сиз

ТАНДИР НОН

нинг ҳикматлари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрганмисиз? Хамирни тайёрлаш, тандир... Шуларнинг ўзи улкан ижод. Тандирдан узилган нон, ундан таралдиган бўй. Бу мўъжизаларни нимага тенглаштириш мумкин? Табиий, қирқдан зиёд тури бўлган, тайёрланиши бирбирига ўхшамайдиган нонвойлик ҳам теран томирга эга, боқий маданият маҳсули.

Гап таомлар ҳақида кетар экан, ҳозирча тандир кабобни қўйиб турайлик-да,

ПАЛОВ

ни эсламаслик мумкинми? Бизда уни овқатларнинг "хон"и, "тўра"си деб аташади: **"паловхонтўра!"** Ҳозир паловнинг минглаб таърифларидан чекланайлик-да, бир жиҳатига диққатни тортайлик. Кўп таомлар бир жараён (ё қайнатиб, ё қовуриб, ё димлаб) тайёрланади. Нари борса, икки жараён бажарилади (қовуриб димланади ёки қайнатиб дамланади). Паловда эса учала жараён ҳам мавжуд. Жаҳон кулинариясида бундай мураккаб таомлар саноқли экан, борлари ҳам паловдек тайёрлаш ўнғай, кўримли, дастурхонбоп эмас экан.

Энди қоринни тўйғазиб олгач, либосларга ўтайлик. Уларнинг саноғи кўп, бироқ

АТЛАС

нинг тенги бормикан? Атлас, шубҳасиз, матоларнинг маликаси. Ундан қимматбаҳо, мукаммал мато бўлиши мумкин, лекин аёл зотига атласдан ортиқ ярашадиганини топиш қийин. У ҳам худди халқимиз табиатидек: кўриниши одми, лекин сеҳри, жозибаси... Беқасам ҳам худди шундай.

Жўн бир мулоҳаза: инсон гавдаси бошни кўтариб юради — энг юқорида бош. Ўз навбатида бош инсонни бошқаради. Бошнинг ҳам либоси бор ва у ҳар бир халқда ҳар хил. Гап ўзбеклар бош кийими ҳақида кетганда, шубҳасиз,

ДЎППИ

эсланади. Бизда дўппиларнинг тури кўп: андижонча, бухороча, бойсуни, чуст дўппилари, тошкентча, шаҳрисабзча... Ҳар бири алоҳида достон — игна билан матога битилган қўшиқ. Азиз бошга муносиб азиз либос. Шаклида, нақшида, тузилишида халқимиз қалби, феъл-атвори акс этган...

Шубҳасиз, ҳар бир халқнинг ўз ғурури бор, ҳар бир халқ ўзича буюк, такрорланмас, дахлсиз. Ўзбек халқининг ҳам ана шу силсилада ўз ўрнини тайин этган унсурларда ёрқин тарих мужассам. Улар йиллар оша сайқалланиб, шу кўринишга эга бўлган. Демак, уларнинг ижодкори — халқ. "Халқ" аталмиш боқий карвонда қанча авлодлар алмашди, бешикка кимлар ётмади; дўппини кимлар киймади, дейсиз. Шу жойда ягона мағизни иккига ажратиб, муҳокама юритайлик: авлодлар ва ашёлар. Муддаони яна ҳам очиқ ифодаласак, тарози паллаларига авлодларимиз (ўткинчи) ва миллий белгиларимиз (боқий) ни қўяйлик. Бу мантиқий баҳсда тарози шайини ўйнаб турганини, гоҳ у палла, гоҳ бу палла босиб кетаверганини кўриш мумкин. Яъни бизнинг тараққиётимизда изчиллик бўлмаган, гоҳ миллий қадриятлар шарафланган, гоҳ таъқиб қилинган. Бир неча марта "бошидан бошлаш"га (худди ҳозиргидек) тўғри келган. Бу ҳол кўп нарсани остин-устун қилиб, томирларда тугунлар пайдо бўлишига олиб келган. Вазиятни аниқроқ тасаввур қилиш учун ўзимизни японларга қиёслаб кўрайлик.

Маълумки, XXI аср бошига келиб японлар дунё цивилизациясининг байроқдорига айланди. Табиий заҳиралари чекланган, аҳолисининг салмоғи ҳам у даражада юқори бўлмаган бу мамлакатда амалга оширилаётган мўъжизаларни тасаввур ҳам қилиш қийин. (Афсуски, Японияда бўлмаганман, зеро, ҳикоям янада қизиқарли чиқарди). Бу мўъжизаларнинг сирини тушуниш учун ҳам японлар даражасида фикрлаш лозим. Барибир, дунё афкор оммаси бу тилсимлар билан қизиқади ва уни очишга интилади. Менимча, япон мўъжизасининг энг катта сири, бу — анъаналарнинг боқийлигида ва инсонпарварлигидадир. Ер юзидаги бирон бошқа халқ японлардек миллий анъаналарига содиқ ва фидойи бўлмаса керак. Япон борки, унинг либоси — **кимоно** бор, у чинакам миллий ифтихор сифатида шарафланади. Уларнинг кимоно билан боғлиқ бир дунё урф-одатлари мавжуд дейишади. Халқ ҳаётида қарор топган анъана — **самурайлик** неча юз йил олдин қандай бўлса, шу кўринишда яшаб қолган. Бизнинг ҳам тупроғимизда футувват, жувонмардлик, ахийлик, сарбадорлик сингари анъаналар бўлган, биз ҳозир уларнинг номини ҳам билмаймиз. Ёки аҳолининг энг жанговар, қудратли қатламини бирлаштирувчи **сёгунь** (ҳарбий табақа) билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар, талаблар ҳамон японлар ҳаётини безаб турибди. Бизда ҳам йигитларни ҳар томонлама камолга етказадиган сарбозлик ва яна бошқа ҳаракатлар бўлган. Қани улар? Японларда анъаналарнинг сақланиб қолгани кафолати — уларда тараққиётнинг бошланғич асосдан изчил давом этиб келганидир. Бизнинг замонимиз эса қанча суронларни, босқинларни бошидан кечирди? Олдинги ҳикояларимизда таъкидлаганимиздек, форс, юнон (Александр Македонский), араб, рус истилоси бу тупроқни неча бор элакдан ўтказди, энг даҳшатлиси — бир босқинчилик ўзидан олдинги тараққиётни йўқотиб, ўрнига ўз ҳукмронлигини ўрнатиб келган. Бунақада бошланғич анъаналарнинг умрбоқийлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Ана шу туфайли тарози палласидаги "авлодлар" томони "ашёлар" томонидан енгил келаверган, дунё қирғинларини енгиб, собит тураверган жонсиз ашёлардан уларга эгалик қилиши лозим бўлган жонли одамлар заиф бўлиб қолаверган.

Япон анъаналарининг инсонпарварлиги шунда кўринадики, улар, аввало, табиатни бўйсундириб эмас, табиатга бўйсуниб, унга тақлид қилиб яшайдилар. Табиат билан ҳамоҳанглик, уйғунлик японлар турмуш тарзининг асосидир. Бу жиҳатдан улар ўзларига энг яқин бўлган хитойликлардан ҳам фарқ қиладилар. Хитойликларда табиат устидан ҳукмронлик тамойили устун. Дейлик, Хитой ошпази денгиз қисқичбақасини ўз дидига мослаб бутунлай бошқа кўринишда пиширади. Япон эса уни худди аслидек, тириклигидаги кўринишига зарар еткармай тайёрланган таомни хуш кўради. Хитой рассоми сакура япроғини ўзи истаган рангга бўяши мумкин, япон рассоми эса уни фақат ўз табиий рангида акс эттиради. Табиатга бундай чексиз ҳурмат уларнинг миллий дунёқараши натижаси. **Японлар дин — гўзалликка сажда қилишдир,** деб биладилар. Японлар ҳаётида будда, ислом, конфуций, сиато динлари унсурлари мавжуд. Бироқ улар ўта диндор эмас. Улар **диний талабларни ўз анъаналарига хизмат қилдирадилар.** Хуллас, японлар ҳаётга санъаткор эстет сифатида қарайдилар, турмуш тарзи ана шу тамойилга асосланган.

Албатта, халқимиз ҳаётини яхши билган ҳар бир одамга ўзимизни японлар билан қиёслаб кўриш имкони бор, шу туфайли бу ўринда менинг узоқ мулоҳазам шарт эмас.

Энди қиёсий таҳлилдан чиқадиган хулосаларга келсак, ҳатто "диний талабларни ўз анъаналарига хизмат қилдирадиган" японлар билан ўтирса ҳам, турса ҳам, "Ё, Аллоҳ" деб дам урадиган ўзбек ўртасидаги тафовутни назардан қочирмасликни сўрардим. Дарҳақиқат, биз ўта мутаассиб халқмиз. Бу мутаассиблик Ислом дини пайдо бўлган араб оламини вакилларидан ҳам ўтиб тушади. Талабаликда 3-4 йил Яман, Сурия, Ливан сингари юртлардан таҳсилга келган хорижликлар билан бир ётоқхонада яшашга тўғри келган. Уларни Қуръони карим нозил қилинган тилда гаплашганлиги учун чексиз ҳурмат қилиб, исломий ақидаларга нечоғлик амал қилишини кузатганман. Тўғри, улар ўша замон мафкураси тазйиқи остида намоз, рўза сингари диний арконларни адо этиш имконидан маҳрум бўлгандир, бироқ шу нарсаларга заррача иштиёқ, интилиш кайфияти сезилмаган. Маишат, юриш-туришда ҳам бирор диний унсур кўзга ташланмаган. Менимча, арабларда ҳам диний талабларга амал қилиш ихтиёрий, бошдан-охир диндорликни эса маълум табақанинг юмуши деб қарашади. Бизда-чи? Аҳвол изоҳсиз ҳам маълум. Яна ўша анъаналарнинг нечоғлик чўнглиги ва мўртлиги муносабатни ҳал қилади. Зардуштийлик, Ислом, христианлик талабларини кечириб, анча сийқа бўлиб қолган ўзбекона анъаналарга даҳрийликни ҳам, диндорликни ҳам сингдириш унча қийин эмас. Тушгача даҳрий бўлган одамлар тушдан кейин диндорлик либосини кийиб тураверадилар — бу объектив ҳодиса. Бундай заиф эътиқод қарор топган жойда ҳар хил зарарли, экстремистик кайфиятнинг кучайиб кетиши ҳам осон. Бўлмаса, "Ҳизбут-таҳрир" деган ташкилот Ўзбекистон мустақиллигидан олдин ҳам бўлган, агар у шунчалик динпарвар бўлса, нега юртимизда коммунистик мафкура исканжаси остида масжидлар вайрон қилинаётган, диндорлар қувғинга учраган пайтларда ёрдамга келмади? Чунки унинг сафсаталарига ишонадиган одам йўқ — ҳамма даҳрий эди. Диний эркинлик пайдо бўлгач, ташна одамлар сувни хасхашаги-ю, лойқасига қарамай симира бошладилар. Муҳокама қилиб ўтиришга фурсат кам эди, яна биринчи бўлишга — Маҳмуд Қутайба Иккинчи сифатида тарихда қолишга ҳавойи иштиёқ, учинчи томондан қора қозонни қайнатишга яраб турган чойчақа кўплаб юртдошларимизнинг бошини айлантириб ташлади ва шу афъюн таъсирида "халифалик тузуми"дек ақлдан ташқари юмушга бел боғладилар. Инсоф билан айтганда, Ислом оламини бирлаштириб, араб миллатини дунёда устувор қилиш фикридан ҳар қандай ақлли араб жиркaниб кулади. Мабодо, бизнинг адашган ватандошларимиз бутун дунёни эмас, ёнма-ён икки туман ҳудудини қўшиш қанчалар бошоғриқ туғдириши мумкинлигини тушуниб ета олганларида бунчалик чалғимас, Мустақилликдек олий неъматнинг обрўсига соя солишга уринмас эдилар.

Мана сизга чўнг анъаналар билан яшаётган ва дунёни лол қолдираётган япон ва ўз қадриятларини тиклаш йўлида ғовларни енгиб ўтаётган ўзбеклар ҳаётидан бир лавҳа.

Азалий анъаналарга садоқат миллат ҳаётида кучли омил экан, бу ҳол билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Шу ўринда бизнинг табиатимиздан муқим ўрин олган бир хусусиятни яна бир бор қайд этишга тўғри келади. Биз — маърифатсевар халқмиз, биз қоғозда дарж этилган сўзга ишониб, ёзув тушган қоғозни кўзига суртиб тавоф қилиб яшаган одамларнинг фарзандимиз. Маърифатли сўз ҳар қандай таҳдиддан, кучдан самарали таъсир қилади. Дунёдаги унча-бунча халқ менталитетида учрамайдиган бундай фазилатимиз етарлича қадрланмоғи лозим. Ҳозир одамлар ўқимай қолганлиги, ўқийдиган нарсалар камайиб бораётганлиги ҳақида ташвишлар изҳор қилинмоқдаки, бу ҳолга бефарқ қараб бўлмайди. Табиатан ҳалим, муроса-ю мадорага мойил одамларимиз норозилигини очиқ намоён этмайди ва бу ҳолни ҳамманинг хурсандлиги сифатида қабул қилиб ҳам бўлмайди. Бильакс, кўндаланг турган муаммолар вақтида ҳал қилиб борилмоғи лозим. Жумладан, китоб савдоси, вақтли нашрларнинг узоқ жойларга ҳам етиб боришини йўлга қўйиш каттакатта ислоҳотлардан ҳам яхшироқ самара бериши мумкин. Маърифат ҳар доим тараққиётнинг қаноти бўлиб келган, қолаверса, ҳозир халқлар маърифатининг даражаси билангина ўзига баҳо бера олади.

Ҳа, фикр яна бошланғич нуқтасига қайтди. Зеро, биз дунёни фақат маърифат орқали англаймиз. Ниманидир англашга ҳаракатимиз эса биринчи навбатда ўзимизни англашга интилишдир. Сўзсиз, бир халқ табиатига баҳо бериш жуда маҳобатли ва масъулиятли вазифа. Аммо ана шу теран, синоатли оламнинг дерaзасидан бир қур мўралаш ҳам ҳар бир бандаи ожизга улкан маънавий қудрат ато этиши мумкин экан. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатлар ҳам ўзни англаш йўлидаги истак эди. Жаҳду жадал эса истакнинг тўла қаноатланишига олиб келди. Аслида одам (шахс) ўзини тўла тушуна олмайди, у бир халқ табиатини қандай тушунтириб бера олсин?!

Қониқиш ҳисси янги юмушларга чорлайди.

Ҳаким САТТОРИЙ

СУД ВА ОАВ:

ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛАШСА...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги қандай бўлмоғи керак, деган ҳақли савол туғилади.

Мамлакат раҳбари "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарларида халқимизни жипслик, ўзаро ҳамкорликка чақириб, хавфсизликка нисбатан таҳдидлар жуда мураккаб эканлиги, улар сиёсий, шу жумладан, диний экстремизм, миллатчилик ва миллий маҳдудлик, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларининг тараққиётимиз йўлидаги катта ғов эканлигига жиддий эътибор қаратади. Бизнингча, давлатнинг барча тузилмалари, шу жумладан, юқорида қайд этилган давлат ҳокимияти органлари ҳам ўзларининг устувор вазифаси деб шу муаммоларни бартараф этмоқлари ва айнан шу мақсадлар йўлида ўзаро ҳамкорликни амалга оширмоқлари лозим бўлади.

Албатта, бу муаммоларни бартараф этишда кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланмаса, кўзланган мақсадлар рўёбга чиқмайди. Хўш, у ҳолда жамоатчилик фаоллигига қандай эришмоқ мумкин? Бунга жавоб битта: жамиятда қачонки адолат тўлиқ ҳукмрон бўлса, такрор ва такрор айтилаётганидек, ижтимоий ҳақиқат қарор топса, атрофимиздаги турли кўринишдаги қонунбузарликларга чек қўйилса, қолаверса, барчамизнинг ҳуқуқий маданиятимиз бугунги кун талаблари даражасига етишса... Лекин ҳуқуқий маданият савияси юқори бўлса-ю, қонунлар ижроси барча бўғинларда бирдек таъминланмаса, кўзланган мақсадларга эришиш қуруқ гап бўлиб қолиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётнинг барча соҳаларида қонун ҳукмронлигини назарда тутиб, қонун олдида ҳамма баробарлигини белгилаб берган.

Қонунлар ижросини таъминлашда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарур? Тажрибалардан маълумки, демократия шароитида давлатни бошқариш қуйидан юқорига қараб ўсувчан бўлса, қонунларга қатъий риоя қилиш, унинг ижросини таъминлаш юқоридан пастга қараб ўсиб боради. Зеро, Қонунга итоат этиш юқоридан бошланмас экан, унинг ижросини қуйидан кутишга ҳожат йўқ.

Буюк олмон мутафаккири Гёте: "Ҳақиқатни бетўхтов такрорлаб туриш керак, чунки атрофимизда ҳамиша хатолар такрорланиб туради", деган эди. Оммавий ахборот воситалари том маънодаги "тўртинчи ҳокимият" сифатида фаолият юритиб, ҳақиқат ва адолат барқарорлиги учун курашдан чўчимасалар, суд-ҳуқуқ органлари ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, тараққиётимизга соя солувчи турли иллатларга қарши қонун ва виждон ҳукми билан фаолият юритсалар, ана шундагина олдимиздаги мақсадлар сари янада дадилроқ қадам ташлаган бўламиз. Пировард натижада ҳар икки ҳокимиятнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам айнан мана шу мақсадлар йўлида уйғунлашиб кетмоғи давр талабидир.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти

ГАП — МУНОСАБАТДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яна баъзан биз, матбуотчилар шаънига айтилаётган таънали фикр-мулоҳазаларга қайтсак. Биз талабга яраша муносиб ишлай олмаётганлигимиз, одамлар ташвиш-дардини баралла айтолмаётганимиз, йўлимизга ғов бўлаётган таъмагирлик, иккиюзламачилик, сўз ва иш бирлиги йўқлиги, бюрократлик, буйруқбозлик сингари иллатларни фош этишга журъат қилолмаётганимизни ҳам тан оламиз. Тан оламиз-у, яна индамай юраверамиз. Негаки, биз қўрқамиз. Эркин фикрлар минбарига чиқишдан қўрқамиз. Ваҳоланки, замон ҳурфикрлиликни, жасорату мардликни талаб этяпти. Афсуски, биз бу талабга муносиб жавоб бермаяпмиз (беролмаяпмиз)!

Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Матбуот чиқишларининг таъсирчанлиги, "тўртинчи ҳокимият"нинг кучи муайян нашрнинг омма орасида қанчалик кўп тарқалиши, ўқишлилиги, уларда кўтарилган масалаларга мутасаддиларнинг жойларда қандай муносабатда бўлишларига ҳам боғлиқ. Деҳқонча қилиб айтганда, "фалончи фалон ишни адолатли ҳал қилмаяпти", "фалончи ўз ишини бажаришда масъулиятсизлик қиляпти", "фалончи фалон камчиликларга йўл қўйяпти", деб бир эмас, ўн бора ёзган билан тегишли ваколатли идорадагилар: "Ҳой, фалончи, бери кел-чи, нега ўз бурчингни бажармаяпсан, нега халқ манфаатига зиён етказяпсан", деб танобини тортиб, чорасини кўрмаса, ўша "фалончи" қилмишини қилиб юраверади. Ҳатто кези келса, "Мана, ёзган билан қўлингдан нима келади", деб айтиши мумкин. Овоз чиқариб айтишдан ҳайиқса ҳам, ҳеч бўлмаганда, кўз қарашлари, ҳатти-ҳаракатлари билан айтади. Ахир, бундай муносабатдан сўнг қайси матбуот ходимининг танқид ёзишга юраги бетлайди? Ёки, аксинча, мақолада кўтарилган масалага эътибор берилиб, тегишли мутасаддилар томонидан принципиал чора-тадбирлар кўрилса-чи! Матбуот чиқиши назардан четда қолмаса-чи! Бундай муносабат журналистни янада изланишга, долзарб масалаларни кўтариб чиқишга, эл назаридан тушмасликка, дадилликка ундайди, руҳлантиради. Қанийди, шундай бўлса!

Газетада босилган танқидий ёки муаммоли мақолалар юзасидан раҳбар муносабат билдиргач, тегишли мутасаддиларнинг қанчалик жонкуярлик ва масъулият билан иш тутишларини яхши биламиз. Бироқ қани энди, юқоридан сўраб-суриштиришлари, қизиқишларини кутиб турмасдан барча танқидий мақолаларда қаламга олинган масала ҳам ана шундай тезкор, холисона ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилса. Яна гап муносабатга бориб тақалади. Масалага адолат юзасидан ёндашилганига нима етсин! Бунинг ўрнига мақолада кўтарилган муаммо бир четда қолиб, асосий эътибор мухбир кимлиги, нега мавзуга қўл урганлиги билан қизиқишга қаратилса-чи! Униси ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Гап яна масалага муносабатга бориб тақалади.

Шу ўринда "Моҳият" газетасида ўқиганим қуйидаги фикрни келтиришни лозим топдим:

— Демократик жамиятда уч ҳокимият мавжуд: парламент халқ иродасини ифода этадиган қонунлар яратади, ижро ҳокимияти қонуннинг ижросини таъмин этади, суд ҳокимияти қонун ижро этилмагани, бузилгани учун жазо тайинлайди. "Тўртинчи ҳокимият" — матбуот учта ҳокимиятга "кўз-қулоқ" бўлиб, фаолиятини аниқ-равшан кўрсатиб туради.

Ниҳоятда тушунарли таъриф. Биз "кўз-қулоқ"қа ўз вақтида эътибор қилиб, қаламга олинган мавзу мақсад-моҳиятини тўғри тушуниб, ўринли хулоса чиқарилишини истаймиз! Бу — матбуотнинг сўзда эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" сифатида тан олинишига, мутасаддиларнинг доимий эътибор ва қўллаб-қувватлашига эришишдир. Бу мақолаларда билдирилаётган мулоҳазаларга холисона ёндашиш демакдир. Бир сўз билан айтганда, бу жиҳатлар ҳам пировардида фақатгина муносабатга бориб тақалади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Контрабанда

КЕП ҚОЛИНГ...

тошбақадан об қолинг!

Кейинги пайтларда контрабанданинг янги тури кашф этилди. Баҳор пайти чўлларда нима кўп – қишки уйқудан уйғонган тошбақа кўп. Эринмаган одамлар уларни битта-битта тутиб олиб, хорижга чиқариб сотишни ўйлаб топишибди. Айниқса, Россияда тошбақанинг харидори кўп экан, чунки ресторанларда тошбақа гўштидан пиширилган овқат ўзига хос деликатес (тансиқ таом) ҳисобланаркан.

Шу йил май ойининг бошларида "Қазақстан" телеканали ўзининг янгиликлар дастурида тошбақа контрабандаси билан шуғулланаётган бир ватандошимиз қўлга туширилгани ҳақида лавҳа намойиш қилганди. Қарағанда шаҳри божхона хизмати ходимлари Ўзбекистондан Россияга помидор олиб кетаётган юк машинасини текширишганда помидор терилган қутиларнинг ичида тошбақалар борлиги маълум бўлган. Бечора жонзотлар қути ичида қимирлаб, помидорларни тилиб қўймаслиги ва ғимир-ғимир қилиб божхоначиларнинг эътиборини тортмаслиги учун қобиғининг оёқ чиқарадиган қисми ёпишқоқ лента — скоч билан ўраб қўйилган экан. Шу тариқа, заволли жониворлар "оёғини узатиб кетиш" ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Помидорлар орасидан топилган 200 дан ортиқ тошбақа боласининг нархи Қозоғистонда 700 танга (салкам 5 доллар) бўлса, Россияда бир неча баравар юқори эканлиги билдирилди. Мусодара қилинган тошбақа болалари озодликка чиқарилиши ҳақида "Хабар" дастурнинг охирида маълум қилинди. Контрабандачига нисбатан тегишли чора кўрилиши эса аниқ.

Ҳар қандай тўсиқларга қарамай, тошбақа бозори чаққон бўлиб қолгани яна "Қазақстан" телеканалининг 19 май кунги янгиликлар дастурида билдирилди. Тошкент вилояти шимолидаги чегара пости орқали Қозоғистон ҳудудига қўшни давлат фуқаросига оид енгил автомобилда бизнинг икки нафар "азаматимиз" ўтган. Божхона хизмати ходимлари автомобилнинг юкхонасини текшираётганда, "азаматлар" нима учундир қочиб қолишган. Юкхонадан бир неча қопга тўлдириб солинган жами 800 та тошбақа чиққанига нима дейсиз! Шофёр тошбақалардан хабари йўқлигини, бизнинг ватандошларимизни йўлкира эвазига олиб кетаётганини айтган.

"Хабар" дастурида билдирилишича, анчагина йирик тошбақаларнинг Қозоғистондаги бозор нархи 1.700 тангага етса, Россияда 45 долларгача турар экан! Бу кетишда табиатда тошбақаларнинг сони кескин камайиб, яқин орада "Қизил китоб"га киритилиши ҳеч гап эмасга ўхшайди. Бироқ бу ҳолат тирикчилик илинжида ҳар қандай ишдан қайтмайдиган контрабандачиларни безовта қилмаяпти.

Божхона постларида ушлаб қолинмасдан, ресторанларнинг қозонида қайнаган тошбақалар сони қанча бўлиши мумкинлигини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Шу ўринда бир савол туғилади: нима учун тошбақалар қўшни давлат ҳудудига ўтгандагина ушлаб қолиняпти?

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

RADIO FREE EUROPE®
RADIO LIBERTY

ЭЪЛОН!

"Озодлик" радиоси Тошкент бюроси веб-саҳифа учун тажрибали муҳаррир ва малакали журналистларни ишга таклиф этади.

АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:

— ўзбек тилида мукаммал ёза билиш;
— халқаро журналистика асосларидан хабардор бўлиш.

Мурожаат учун телефонлар:
137-44-12, 137-21-12, 186-12-53.

Дараклар

БАҒДОДДА ҲАММАЁҚ ТИНЧ ЭМАС

Гарчи АҚШ Ироқда ҳарбий операциялар якунланганини расман маълум қилган бўлсада, қадимий пойтахтда ҳали ҳам осойишталик ўрнатилганича йўқ. Ўтган куни бу ерда шиа ва сунний мусулмонлар иштирокида норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Намойишчилар Ироқни бошқариш учун янги ҳукумат ташкил этишни ва бу жараёнга Қўшма Штатлар аралашмаслигини талаб қилишган.

Саддам Ҳусайн ҳокимияти мансабдорларини қидириш эса ҳозир ҳам давом этмоқда. Хориж ахборот агентликлари тарқатган хабарларда айтилишича, бир неча кун аввал 55 кишидан иборат қора рўйхатдан жой олган арбоблардан бири Камол ал-Тикритий қўлга олинган. У Ироқ Революцион армияси раҳбарларидан бири сифатида ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этган эди.

ЯҚИН ШАРҚДА ПОРТЛАШЛАР

Исроил шимолидаги савдо марказларидан бирида рўй берган портлаш оқибатида 4 киши ҳалок бўлган, 15 киши жароҳат олган. Бу шанба кунидан бери амалга оширилган бешинчи қўпорувчилик ҳаракатидир. Манбаларда айтилишича, ҳалокат фаластинлик камикадзе аёлнинг ўз-ўзини портлатиб юбориши натижасида рўй берган. Ундан аввалроқ душанба куни эрта тонгда ҳам шундай ҳаракат содир этилган бўлиб, бу қўпорувчиликни Ҳамас ташкилоти ўз бўйнига олган.

Охирги вақтда бундай ҳаракатларнинг тез-тез такрорланаётгани Фаластин-Исроил муносабатларини чигаллаштириб юборяпти. Исроил Бош вазири худкушлик портлашларидан кейин Фаластин раҳбарияти билан ўтказилиши кўзда тутилаётган музокараларни бекор қилди. Хуллас, ҳозирча Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш юзасидан қабул қилинган махсус дастурлар ҳам ҳеч қандай самара бермаяпти.

Абдул СОБИР тайёрлади

Сийрат

КАМТАРИН ДЎХТИР



Раҳимжон Мирисоқов ранжишини қаёқдан билибман!.. Ният мутлақо холис эдики, миннатдорчиликни қуруқ сўз билангина эмас, чин юрақдан аталган а-арзимас совға воситасида изҳор этиш ҳаракатига тушсам, денг. Айтмоқчи бўлган гап оғзимда қолди, миннатдорчилик ифодаси эса қўлимда: аҳволимни кўриб, "о-ла" дегани одам йўқ. Раҳимжон аканинг "Сизни журналист деб ҳурмат қилсам...", ярми айтилмаган таънанамо гапларидан-ку, нечоғлик хижолат тортганимни тасаввур қилишингиз қийин.

"Онахоннинг дуолари ҳар қанча совға-саломдан афзал, синглим!"

Шу билан гап тамом, дўхтир — Раҳимжон Мирисоқов оҳиста юриб, хонадан чиқди. Мен нима қиларимни билмай бир зум қаловландим, сўнг оҳиста юриб, онам ётган палатага чиқдим...

Онагинам, нуридийдам аллақачон нарсаларини йиғиштириб, йўл тадоригини кўйган, ҳализамон бизларни касалхонадан олиб кетишга келадиган машинани сабрсизлик билан кутарди...

Кўп ўтмай, йўлга отландик. Онажоним бир неча кун бошида парвона бўлган ҳамширалар билан алоҳида-алоҳида хайрлашди, дўхтирларни кўзида ёш билан дуо қилди, навбат Раҳимжон акага келганда, ҳаяжондан ҳатто сўз тополмай қолаёзди... Раҳимжон ака, ҳалигина хижолатли қисқа мулоқот гўёки бўлмагандай, онам билан ҳам, мен билан ҳам самимий хайрлашди. Унинг бу самимиятидан баттар ноқулай аҳволга тушдим...

...Эҳтимолки, юқоридаги воқелар баёнига ҳожат йўқ эди. Нимага десангиз, одатда бирор шахс ҳақида мақола ёзилса, гап ўша одамнинг етти ўхлаб тушига кирмаган ҳолати — "қўлбола сюжет" тасвиридан бошланиб, қаҳрамоннинг ўзи хижолатга тушар даражадаги баландпарвоз оҳанг билан хотима топади. Уёғини сўрасангиз, "авж пардаларда" кўкларга кўтарилган "қаҳрамон" ё таҳririят ҳисобига арзимас пул ўтказган бирор корхона раҳбари ёки бирор мукофот ёхуд унвон илинжида юрган шуҳратпараст бўлиб чиқади.

Дангал гап, ушбу мақолани бошлашга (ёзишга эмас) анча қийналдим. Боиси, "анъанавий усулда" бошласам — кимга ёқарди? Биламан, ўқувчи ҳафсаласизлик билан кўз югуртириб қўяди; билганлар (аввало мақола қаҳрамони!) баландпарвоз оҳангдаги ҳиссиётга тўла жумлаларни ўқиб, муаллифнинг ёлғон тўқишга уста эканлигидан энсаси қотади. Боз яна бир андиша борки, у ҳам бўлса, кўпчиликнинг миясига сингиб қолган шубҳа: мухбир кимнинг илтимосини бажармоқда?

Аслида-ку, ушбу мақолани ёзишга ҳеч қандай илтимос сабаб бўлгани йўқ. Мақола қаҳрамони — оддий шифокор. Тўла "титули"ни баён этсак: Фарғона вилояти Қува тумани Марказий шифохонаси кардиология бўлими бошлиғи Раҳимжон Мирисоқов! Кимдан — олдин, кимдан — кейин деганларидек, бир неча йилдан буён баҳоли қудрат гарданидаги вазифани уддалаб келмоқда. Жамоада обрўйи ҳам ёмонмас, ҳурмати ўз ўрнида.

Яширмайман, шу инсоннинг, бошқалар қатори оиламизга яхшигина нафи тегди: онам, онажоним тоби қочиб касалхонага тушганда, Раҳимжон аканинг саъй-ҳаракати билан шифо топди. Оғзаки раҳмат-ку, керагидан кўпроқ айтилди, бироқ у кишининг хизматлари нечоғлик бўлганини қуруқ сўз воситасида ифода этиш қийин. Ҳарчанд қўлимиз кўксимизда, қайта-қайта ташаккур айтавериб Раҳимжон аканинг ўзини ҳам хижолатдан қизартирворaёздик... Эҳ, қанийди, қўли гул ҳунарманд бўлсанг-у, ўзинг ясаган буюмлар билан касалхонани тўлдирворсанг. Мол-дунёнг кўп бўлса-ю, шу инсон бошқараётган наинки бўлимни, балки бутун касалхонани ҳомийликка олсанг. Бироқ на қўли гул ҳунармандсан ёки дамингга ош пишадиган корчалон...

Оддий журналистсан: қўлдан келгани — тузукроқ мақола ёзиш керак эди. Бироқ бу имконият ҳам қўлдан чиқди. Боиси — мақола бошида тасвирланган ҳолат: азборойи хурсандчилик, самимий ва чин дилдан қилинган арзимас совға туфайли куни кеча ҳузур-ҳаловатдан кечиб, онамнинг бошида парвона бўлган шифокор билан "пўм" бўлишимизга оозгина қолди. Айни шу ҳолат, тўғрироғи, ўйламай босилган қадам ёзилажак мақола "ҳом ашёси"дан мосуво қилди. Икки оғиз суҳбатга қилинган таклиф кескин, лекин самимий жавобдан сўнг йўққа чиқди: "Агар онангизга қилган хизматларим эвазига мен ҳақимда мақола ёзмоқчи бўлсангиз, бунга ҳеч қандай ҳожат йўқ..." Шу билан тамом; "лирик хаёллар"га чулғаниб, "қўлбола қаҳрамон" ясайвер, Гули!

Дарвоқе, шундай жавобдан сўнг ҳам "қўлбола қаҳрамон" ясашга ҳожат бормикан? Юқорида дўхтир айтган икки оғиз гапнинг ўзи унинг маънавий қиёфаси нечоғли эканидан далолат эмасми? "Мени мақтаб газетга ёзсанг, хизмат ерда қолмайди" дея кўплар югуриб юрган шу кунларда шундай имкониятдан воз кечган одамнинг сийратига яна қандай чизги керак?! Касални бемор эмас, "клиент" сифатида кўрадиган дўхтирлар сафи тобора кўпайиб бораётган ҳозирги замонда серфарзанд қаҳрамонимизнинг инсоф сари юз тутиши ҳақли эътирофга лойиқ эмасми? Бугун ясама тавозе, суньий илтифот ила бемор бошида парвона бўлиб, эртага белингни чиқаргудек хизмат айтиб, дилингни вайрон қилган табибдан бундайлар минг марта беҳроқ эмасми? Йўқса, Р. Мирисоқовнинг ҳам сиз билан биздаги каби рўзғори, бир этак фарзанди бор. Ёки ҳозирги вазифасидан кўра каттароқ, нуфузлироқ лавозимда ишлашни хоҳламайди, дейсизми?!

Яна бир гап. Дўхтир билан мақола учун қилинажак суҳбат амалга ошмагач, ўзимча факт йиғишга ҳаракат қилгандим. Кадрлар нозиридан, одоб меъёрига унчалар тўғри келмаса-да, ҳеч кимга билдирмаслик шарти билан "Шахсий варақаси"ни кўздан кечирдим: 1964 йилда Қува тумани Қўшкечик қишлоғида туғилган. 1982 йил-1988 йилларда Андижон Давлат Медицина институтида таҳсил олган. Ўқишдан сўнг вилоят, бир йил ўтгач, Қува туман марказий шифохонасида кардиолог. Беш йилдан буён шу бўлим бошлиғи. Қаҳрамонимизнинг бор-йўқ касби-ҳоли шу. Етти фарзанднинг отаси.

Айтганча, фарзандлар ҳақида. Назаримда, Раҳимжон ака фарзандларига қўйган исмлар ҳам унинг сийратига чизги вазифасини ўтайдигандек: Фирдавсбек — "бахт қуши"; Махтунбону — туркийда "гўзал" маъносини беради; Мумтозбегим — "умри боқий" дегани; Ферузбек — "бахтли кун"; Мадинабону — "сокин"; Мунтазирбону — "одобли, бокира"; Фузулбек — "қайсар, мард"...

Энди мақолага нуқта қўйсак ҳам бўлади. Ушбу пароканда ёзувимизга бошқа жумлалар ортиқчалик қилгудек...

Гулчеҳра МИРЗАҲАКИМОВА

Таҳдид

Эҳтиёт бўлинг: КИБЕРТЕРРОРЧИ!

Аср мўъжизаси саналган компьютернинг ихтиро қилиниши, дастлаб мудофаа ва ҳарбий мақсадларда ишлатилган бутун дунё компьютер тармоғи — Интернетга асос солиниши тараққиёт суръатини тезлаштириб юборди. Компьютер кашф этилган, тўғрироғи, яратилган илк давларда у фақат ҳисоб-китоб ва бошқа математик амалларни бажаришда ишлатилган бўлса, бугунга келиб техника мўъжизасидан барча соҳаларда — телекоммуникацияда, саноатда, ҳарбий тизимда ва ҳатто қишлоқ хўжалигида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Айни замонда улкан ахборот "омбори" — Интернет XXI кишисининг беминнат дастёри, яқин кўмакчиси бўлиб улгурди. Бироқ юксак технологиялар жамият тараққиётига хизмат қилиш баробарида янги-янги муаммолар, муаммо бўлганда ҳам, глобал миқёсдаги муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин экан.

Атом деб номланган "беозоргина" қуролни кашф этиб қўйиб, унинг хавфини қандай бартараф этишни билмай, боши қотиб турган иконият XX асрнинг охирги ўн йиллигида яна бир улкан таҳдидга дуч келди — кибертерроризм! Виртуал оламдаги терроризм маъносини билдирувчи бу атамани фанга 1980-йилларда АҚШ хавфсизлик ва разведка институти илмий ходими Бэрри Коллин олиб кирган. Ўша пайтда кибертерроризм термини келажакда юзага келиши мумкин бўлган жиноятлар прогнозида қўлланилганди. Узоқни кўра биладиган олим илмий кузатишларга таяниб, янги асрнинг дастлабки йилларида тарихда мисли кўрилмаган жиноят кўриниши пайдо бўлишини айтганди. Бироқ технологиялар Б. Коллин кутганидан ҳам тезроқ ривожланиб кетди. Оқибатда, 1990-йиллар бошидаёқ илк кибертерроричилик жинояти қайд этилди.

Хориж фильмлари орқали компьютернинг қилни қирқ ёрадиган усталари (Гарбда уларни "хакер" деб аташади) томонидан банк ҳисоб рақамидаги миллион-миллион пулларнинг бир зумда ўзлаштирилиши, яъни юксак технологияларга асосланган замонавий ўғрилик саҳналарига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Бу — кибертерроричиликнинг энг содда ва кенг тарқалган кўриниши. Техника билан боғлиқ бундай жиноятлар қўпорувчилик ҳаракати, қуролли ҳужумлардан ҳам хавфлирокдир. Чунки кибертерроричи энг қимматбаҳо товар ва барча хазиналарнинг калити бўлган **ахборот**га ҳужум қилади.

Қўшма Штатлар Федерал қидирув бюроси махсус агенти Марк Поллит кибертерроризм тушунчасига: "Халқаро террорчилик гуруҳлари ёки махфий агентлар томонидан сиёсий аҳамиятга молик ахборот, маълумотлар базаси, компьютер тизими, дастурларга зўрлик билан ҳужум уюштириш ва тақиқланган маълумотларни ўзлаштириш", деб таъриф беради. Соҳа олимлари яқдиллик билан янги замон жиноятининг кенгайиб кетишига Интернетнинг бутун дунёга ёйилганини асосий сабаб сифатида кўрсатишади. Ҳақиқатан ҳам, кўп ҳолларда муҳофаза қилинмаган Интернет саҳифалари кибертерроричиларнинг осонлик билан эришиш мумкин бўлган ўлжасига айланади. Террорчилар бу сайтлардан давлат муассасалари, шунингдек, Интернет абонентлари ҳақидаги маълумотларни ҳеч бир қаршиликсиз олиши мумкин. Бундан ташқари, шахсий кредит карточкалари, банк ҳисоб рақамлари тўғрисидаги ахборотнинг ўғирланиши жиноятчиларга катта миқдордаги бойликларни қўлга киритиш имконини беради. Манбаларда қайд этилишича, "Ирландия республликачилар армияси" (ИРА) террорчилик ташкилоти таркибида кучли хакерлар гуруҳи мавжуд. Махсус гуруҳ ноқонуний йўллар билан бойлик ўзлаштириш, банкларни ўмариш ва бўлғуси теракт-лар учун ахборот йиғиш билан шуғулланади. Умуман, дунё миқёсида кибертерроричилик ҳаракатлари ҳарбий ташкилотлар, электростанциялар, банклар, транспорт ва телекоммуникация тизимида энг кўп қузатилган. Давлат муассасаларига қарши олиб борилган компьютер ҳужумларининг эса сон-саноғига етиш қийин. Мисол учун ривожланган техника-технологиялар мамлакати АҚШни олайлик. Марказий разведка бошқармаси (МРБ) маълумотларига қараганда, охирги уч йил ичида АҚШ давлат ахборот манбаларига 750 минг (!) маротаба ҳужум уюштирилган. Бошқа ахборотларда бундай қонунбузарликлар 1 миллиондан ошиқроқ экани айтилади. 2001 йил давомида Қўшма Штатлар Космик Қўмондонлиги маълумотлар базасидан ахборот ўғирлаш учун 30 мингдан ортиқ жиноятчи ҳаракат қилган. 1998-2001-йиллар орасида ушбу жиноят миқдори 5 баравар ошган. Бу каби рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг ачинарлиси, қайд этилган кибертерроричилик ҳаракатларининг аксарияти шу пайтга қадар очилмаган.



Айни вақтда ахборот хавфсизлигини кучайтириш, махфий маълумотларнинг терроричилар қўлига тушиб қолмаслиги учун улар махсус шифрлар ёрдамида муҳофаза қилинмоқда. Шу мақсадда мутахассислар томонидан бир қатор дастурлар ҳам ишлаб чиқилган. Лекин бу уринишларнинг ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиқаяпти, деб бўлмайди. Қизиғи, шифрлаш усулидан жиноятчилар ўз фаолиятларига доир маълумотларни сақлаш учун оддий кишилардан кўра самаралироқ фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, терроричиликнинг "гуллаб-яшнаши"га Интернет ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Бутунжаҳон компьютер тармоғининг сон-саноқсиз сайтларидан қурол, портлатувчи ва ёндирувчи воситалардан қандай фойдаланиш, уларни қандай тайёрлаш бўйича батафсил маълумотларни топиш мумкин. Энг ёмони, бу маълумотларга ҳар қандай ёш, ҳар қандай дунёқарашдаги фойдаланувчи эга бўла олади. Бунинг учун компьютер илмидан озроқ бохабар бўлиш кифоя. Халқаро тармоқда шундай сайтлар ҳам борки, уларда кенг миқёсда терроричилик тарғиботи олиб борилади. Махсус хизматлар томонидан ҳатто Интернет воситасида терроричилик гуруҳларига аъзолар қабул қилиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Хуллас, қуёш нуридан яхшию ёмон — барча баҳра олганидек, компьютер технологияларидан эзгу ниятли кишилар ҳам, бузғунчилар ҳам баравар фойдаланмоқда.

Бугунга келиб, кибертерроричилик дунё осойишталигига жиддий таҳдид солаётган глобал муаммоларда бири бўлиб қолди. Бу хавфни бартараф этиш худди халқаро терроризмга қарши кураш каби уюшган ҳаракат, давлатлараро ҳамкорликни талаб қилади. Кибертерроричи жангари қўпорувчидан фарқ қилади. У буйруқни сўзсиз ижро этувчи қотил ёки ўлимга тик борувчи камикадзе эмас, балки ундан ўн карра хавфлироқ жиноятчи (мутахассислар эътирофига қараганда, бу тоифа ҳуқуқбузарларнинг аксарияти олий маълумотли шахслар ҳисобланади). Сабаби, у замонавий технологияларни ипидан игнасигача яхши билади, банк операцияларини кузатиб, таҳлил қилиб, молия бозоридаги ўзгаришлардан ғаразли мақсади йўлида фойдалана олади. Айни шу жиҳатлар янги давр жиноятига қарши қатъий чора-тадбирлар кўришни талаб этади.

АҚШ ҳукумати жорий 2003 йилда ФҚБ тизимидаги кибертерроризмга қарши курашувчи марказ фаолияти учун 125 миллион доллар ажратишни режалаштирди (2002 йилда шу мақсадда 75 миллион доллар сарфланганди). Бироқ мазкур 9 ҳадли рақамлар ҳам муаммони тўла бартараф этиш учун етарли эмас. Жорж таун университети илмий ходими Дороти Деннинг фикрича, агар кибертерроризмга қарши кураш бундан-да кучайтирилмаса, дунё жамоатчилиги эътибори унга қаратилмаса, тезкор суръатда ёйилаётган жиноят яқин йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини ҳам издан чиқариб юбориши мумкин. Сабаби, компьютер билан боғлиқ жиноятлар кўпчилик мутахассислар таъкидлаётганидек, ҳозирги вақтда жуда кўп қузатилаётган оммавий ҳодиса бўлиб қолди.

Собиржон ЁҚУБОВ

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири Акциядорлик-тижорат

«ПАХТА БАНК»

Сизларга соғлиқ, хушкайфият ва оилавий қувонч тилайди!
Юртимиз аҳолисига энг замонавий тўлов воситаси бўлган "Сўм пластик карточкаси"ни таклиф этади.
Карточка эгаларига йилига 42 фоиз даромад тўланади ва ҳар ойда капиталлаштириш эвазига пулларингиз йилига 51,1 фоиз кўпаяди.

«ПАХТА БАНК» –
фаровонлигингиз калитидир!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 78-10-32, 173-25-15, 41-55-23.

Эссе

Агар дардларингга бўлолсам дармон,
Руҳим фидо бўлсин шундай Ватанга.

А. ОРИПОВ

ДОВРУҚЛАРНИНГ ҚАНОТИДА ЯШАЙДИ ДЕНОВ



1. Деновни Москвада, ҳатто Америкада ҳам яхши билишади. Чунки бу шаҳарда руслар, хусусан, яхудийлар кўп эди. Шўролар иттифоқи таназзулга йўлиқиб, марказ билан борди-келдилар мураккаблашгандан сўнг улар бирин-кетин Москвага, ундан Европанинг обод шаҳарларига ва ундан кейин Америка тарафларга кўчиб кетишди. Уларнинг келганини биров билмагани сингари кетганини ҳам пайқамади — ҳар қалай уларнинг Деновда кўринмай қолиши аниқ манба — чойхона гурунгларида муҳим воқеа сифатида қайд қилинмади. Фақат қўлида ортиқча маблағи бор одамлар ҳовли-жойли бўлиб қолдилар, холос. Денов шаҳрида қўли калта одамнинг ўзи йўқлиги ҳисобга олинса, бундай "олди-сотди"лардан кўпчиликнинг бехабар қолгани ҳам ўз-ўзидан тушунарли бўлади.

2. Мен айтаман: улар нега бунча кўп эди ва, хусусан, Деновга қаёқдан келиб қолди? Ҳақиқатдан ҳам қизиқ-да — у ёғидан бу ёғи кўриниб турадиган шаҳарда йигирматами, ўттизтами миллат намояндаларининг истиқомат қилиб, кенг кўламда фаолият кўрсатиши одамнинг ҳасадини қўзғайдиган бир манзарадир. Энди, биламиз — уларнинг аксарияти урушдан олдин ва ундан кейин мамлакат хўжалигини юксалтиришга сафарбар этилганлар эди. Аммо улар нега, масалан, айтайликки, Бойсунга, Бандихонга бунчалар кўп ўрнашиб қолмади? Демак, уларнинг айнан Деновга тўпланиб қолишини фақатгина сафарбарлик туйғуси билан изоҳлаб бўлмайди. Улар Деновнинг истиқомат учун ҳар томонлама қулай эканлигини деновликлардан аввалроқ ва улардан яхшироқ билишган. Бир суҳбатда миллий адабиётнинг устунларидан ҳисобланадиган Абдулла Қаҳҳор Сурхондарё деганда ёниб ётган чўл ва эшак миниб кетаётган чол кўз олдимга келади, деган экан. Ва бу таърифни қабринг нурга тўлгур Абдулла Қаҳҳорнинг ўлиб кетганига кўп йиллар бўлганига қарамай, ҳамон зиёлиман дейдиганлар тез-тез эслаб турадилар ва ҳамма бало шундаки, улуғ ёзувчимиз кўп ҳам янглишмаган ва балки ўзи ҳам буни билганлиги учун ҳаётлик чоғларида Сурхондарёга келмаган. Албатта, худди ҳозиргидек, XX асрда ҳам Абдулла Қаҳҳордай миллатнинг тимсолига айланган ёзувчиларга қаёққа ижодий сафар қилишни ўргатиб бўлмас эди. Мен айтаманки, Аллоҳ Абдулла Қаҳҳорга узоқ умр бериб, у киши шу кунларимизгача ҳаёт бўлганларида, Сурхондарёнинг Ал Ҳаким ат-Термизий, Исо Термизий сингари олам аҳлини оғзига қаратган, изидан эргаштирган улуғ инсонларга бешик бўлганини билар ва мункиллаб қолган бўлишига қарамасдан, албатта, бундай инсонларнинг хоки-туробини кўзига суртмоқ учун Сурхондарёга келар, ҳалиги гаплари учун тавба қилар эди. Войдодки, улуғ ёзувчимизга бундай саодат насиб этмаган экан. Бунинг учун Сурхондарё айбдор эмас.

3. Гап шундаки, аввал ҳам, ҳозир ҳам, Сурхондарёга ўхшаб, Денов А. Қаҳҳорнинг тасаввуридан сал бошқачароқ, яъни обод ва сершовқин манзил бўлган ва худди шунинг учун ҳам оламни фатҳ этган Искандар Макидунлининг Сурхондарёга келганида бу юрт истиқоматчилари, Плутархнинг иборалари билан айтганда, варварлар билан урушмаган, қайтанга уларга эл бўлиб, уларнинг уст-бошини кийиб, дўстларининг норозилигига сабаб бўлган. Бу юртга эҳтиром сифатида маҳаллий аҳолидан ўттиз минг нафарини танлаб. бутун сафари давомида уларнинг таъминотини ўз зиммасига олган. Чунки маҳаллий халқ ўғлонлари ўзларининг ажойиб баҳодирликлари билан олам Фотиҳини ҳайратга солган. Тўғри, Искандар Макидунлининг бу эътирофи билан А. Қаҳҳорнинг таърифи ўртасида 2 минг йил турибди. Аммо олимлар вақт ўтгани билан одамнинг томиридаги қоннинг таркиби ўзгармаслигини аниқладилар ва микёси жиҳатдан бу ўта катта кашфиётдир. Айниқса, одам маймундан тарқаган, деювчилар учун бу ҳақиқат уларнинг бўғзига қадалган пичоқ билан тенг туради.

4. Денов шаҳрининг кун ботиши. Қизил сув дарёсининг бўйида тупроққўрғон бор — унинг ярмини дарё тошқини ювиб кетган. Ана шу ўпирилишлар чоғи чиқиб қолган буюмларни кўздан кечирган академик Галина Пугаченкова уларнинг милоддан олдинги даврларда ясалганини эътироф этди. Демак, 2 минг йилга бардош берадиган тупроққўрғон кўтарган халқни кўп ҳам анойи деб бўлмайди ва Искандар Макидунлининг ҳайратига ҳамма асослар бўлган. Сиз буни айтасиз — манбаларда Қизилсув дарёсининг таги билан ўтиб Кўрғоннинг ичидан чиқадиган лаҳм — ер ости йўли ҳақида ҳам гапирилади. Мен сизга айтсам, бундан тафсилотлар "Минг бир кеча" эртакларида учрайди, холос.

5. Бундай азамат қўрғонлар худди ҳозиргидай милоддан илгари ҳам хўжакўрсинга қурилмаган ва айни ҳақиқат шундан иборат. Қизилсув ҳам шунча вақтдан бери ўзанини ўзгартиргани ёки қуриб қолгани йўқ. Қўрғон ҳам эртаклардагидек афсона эмас, жойида турибди. Биламан — фахрланиш билан иш битмайди. Аммо Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, тарихий хотира деган ибора бекорга муомалага киргани йўқ. Чунки дарахтнинг эрталабки сояси кечкурунги соясига тенг бўлади. Шу маънода Нуҳ тўфони айни эртанги кун — келажакка дахлдор воқеадир.

6. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си нақадар муҳташам асар эканлигини, ҳатто уни ўқимаганлар ҳам яхши билишади — жаҳон эътироф этган намуна. Ана шу "Шоҳнома"нинг бошланиши — минг байти Деновда Дақиқий деган бобомизнинг қўллари билан ёзилганини ҳаммамиз ҳам билмаймиз. Осмондаги булутлар сингари ўтган икки-уч минг йиллар давомида салтанатлар алмашиб тургани билан халқ худди дарёнинг тубидаги тош сингари барқарор бўлган. Ва шоиримиз "Билганидан қолмас тириклик" деганидек, худди дарёлар минг йиллар давомида ўзанини ўзгартирмаганидай, халқ ҳам асл хусусиятларидан айро тушмайди, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, фазилатларини хор қилмайди. Замон қутқулари эса бу йўлда уни тоблайди.

7. Президентимиз ҳақида ажойиб китоб ёзган Леонид Ливитин Билга хоқон ва Кул-тегин қабр тошларидаги "Авлодларнинг биринчи бурчи — ўз аждодларини унутилишдан асраб қолишдир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юритолмайди", деган лавҳани ёдга олади. Бир минг икки юз йил илгари адиб Йўллуғ тегин айтган бу гапга деновликлар доим амал қиладилар, десам ўйлаб ўтирмасдан менга ишонаверинг.

8. Ўрта асрларга келиб, Денов шаҳрининг қоқ марказида Саид Оталиқ мадрасасининг қурилиши ҳам мутлақо тасодифий ҳодиса эмас. Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан сўнг, Хожа Алоиддин Аттор ҳазратларининг ҳам Денов — Чағониённи ихтиёр этишлари ҳам бу юртнинг баракотига бир далилдир. Каттақўрғондай жойдан Сўфи Оллоёр ҳазратларининг бу юртга келиб, Вахшиворни Ватан тутишларидан ҳикмат англашга қодир эмасмиз. Кўнгил кўзи очиқ ва Алишер Навоий ҳазратларининг иборалари билан айтганда — то маҳшаргача уйғоқ бу инсонлар сиз билан биздан билувчироқлигига иқрор бўлмоқдан ўзга чора йўқ ва бу сингари тафсилотларнинг ҳаммаси йиғилиб, юртнинг баракотини барқарор қилиб турган бўлса ҳам ажаб эмас. Мен уларни юрт қўриқчилари — баракот манбалари деб ўйлайман ва ҳар нафасда уларни ёд этаман. Нима гап айтсам, қандай ишга қўл урсам, улар худди қараб тургандек бўлаверади ва буни мен баралла ҳис этаман. Доим ана шундай кайфият билан яшаш табиатингизда катта сифат ўзгаришлари содир этади — кўп ҳолларда бу нарса атрофингиздагиларни хурсанд қилмаса-да, уларнинг муносабати сиз учун унчалик ҳам аҳамият касб этмайди. Менимча, бундай ҳол ҳар бир деновликка хос бўлса керакки, уларнинг ҳаракатидаги қатъият ва ғайрат бошқа ҳудуд истиқоматчиларини доим ҳайрон қолдиради.

9. Ўзбекистонда аҳоли истиқомат қиладиган манзиллар кўп ва уларнинг ҳаммасида ҳам, масалан, айтайликки, Комилжон Отаниёзов қўшиқ айтмаган. Чунки у битта одам бўлган. Аммо ана шу Комилжон Отаниёзовдай қиёси йўқ санъаткор Деновнинг осмонини бошига кўтариб, Хоразм "Сегоҳ"ини, "Сувора"ни айтган. Чунки санъаткорлар ҳам худди қушларга ўхшайди. Хуши тутган дарахтгагина қўнадилар. Бу ерга Ҳамза Умаров ҳам кўп келган. Тўғри, тўйда спектакл кўрсатиб бўлмайди. Аммо Ҳамза Умаровнинг гулдираган овози бир олам эди-да! Ёшлигида Тожиддин Муродов Деновга кўп келар, овоз кучайтиргичларсиз ҳамманинг қулоғини тешиб юборгудек бўлиб Машрабни айтар эди. Демак, халқ тасаввуф қўшиқларини бундан 30-40 йиллар илгари ҳам жон деб эшитар экан-да.

10. Энди айтинг — ана шундай юртни яхши кўрмай бўладими? Мен ернинг охири — Диксонгача борганман. Шукур Холмирзаев таърифлаган "Шимол ёғдуси" (шафағи)ни кўрганман, Эрмитажнинг ҳеч кимса кирмайдиган ертўлаларида Тутанхамоннинг мўмиёланган жасадини томоша қилганман. Лекин икки кундан кейин Деновни шу даражада соғинганманки, Сурхондарёга қараб пиёда чопгиларим келган. Шу муносабат билан бир тафсилот. Қайси бир йили бир укамиз билан Фарғона водийсини айланиб келдик. Йўлга ҳам, одамларга ҳам, Шоҳимардонга ҳам гап йўқ. Қайтдик, йўлимиз унмайди-да! Бўлмаса, машинамиз "Нексия". Укамиз ҳам тезликни 120 дан туширмайди. Йўқ, барибир йўл унмайди-да! Бир маҳал Шўрчидан чиқдик. Тентак дарёсидан ўтдик. "Оҳ, келдик-а", — дедим. Билмайман, шу орада қанча пайт жим келганман. "Бор экансиз-ку, — дедим Абдунабига, — "Ҳайданг-э, одам етмас чоғли бўлди-ку!" Бирдан енгиллашиб, миялар тиниқлашди, қаёқдандир тетиклик, бардамлик пайдо бўлди. Деновнинг буюклигини ана шундай пайтлари одам ҳис қилади.

11. Хуллас, Ўзбекистон ўзини мустақил деб эълон қилганидан сўнг Деновни ҳар томонлама қулай деб билган истиқоматчилар ҳеч кимга билдириб ҳам ўтирмасдан уни тарк этдилар. Деновга тақдирини боғлаб, уни Ватан деб билганлар эса иссиққа ҳам, совуққа ҳам парво қилмасдан умр кечирмоқдалар. Ва шу тариқа унинг муаззам тарихини матонат билан бино қилмоқдалар. Зотан, юрт тарихи инсонлар тарихидан иборатдир.

12. Леонид Ливитиннинг "Ислом Каримов — "Янги Ўзбекистон Президенти" деган китобини ҳафта-ўн кунда қўлимга олиб, дуч келган жойдан 5-10 саҳифа ўқиб қўяман: тафсилот-баёнларнинг самимийлигидан ҳузур қиламан. Меҳр — самимият туйғусининг таркибий қисми эканлигини эътиборга олсак, ҳамма ҳақиқат аён бўлади. Хуллас, ана шу китобнинг "Тарих алгоритмлари" бобига "Ғарб, бу — Ғарбдир, Шарқ, бу — Шарқдир" деган қанотли иборани эпиграф қилиб келтиради. Ҳақиқатдан ҳам Шарқ тамойиллари Ғарб ўлчовларига мутлақо тўғри келмаслиги ва аксинча бўлиши шубҳасиздир. Ҳар жойнинг ўз ҳақиқатлари ва уларни меъёрда ушлаб турадиган табиий-азалий қонун-мезонлари бор. Ҳамма бало шундаки, бундай фалсафий ўлчамлар Деновга ҳам тааллуқли. Демак, Денов, бу — Деновдир: марҳамат қилиб уни онглашингиз лозим бўлади.

Тожиддин РАЗЗОҚ

(Давоми бор)

Назм

ОҚ ТОНГЛАР КУЛДИ

Тоғдаки чашмадек тиниқман,
Баҳорий тонглардай хаёлим.
Зимистон ичра ҳам ёниқман,
Бошимда порлайди ҳилолим.

Кўзимдан ёшларим тирқираб,
Ям-яшил далага боқаман.
Қулаган тошлардан йўл сўраб,
Шарқираб сой бўлиб оқаман.

Ярқираб қарсаклар чаламан,
Оқ терак баргига айланиб.
Наъматак гулидай куламан,
Найзадек қояга бойланиб.

Сен ўзи кимсан, деб сўраманг,
Эркинлик, ҳурликнинг туғиман.
Тирикман, ҳайратда қараманг,
Мен азиз аждодлар руҳиман.

* * *

Ватанни сўз билан севиб бўлмайди,
Меҳр — бу аслида юракнинг иши.
Сесканиб ғафлатнинг касрин сезасан,
Қалбга санчилганда чаённинг ниши.

Иймони бутунлар, жони қаттиқлар,
Яширмай дардларин айтар тик туриб.
Дайдиб кетмайдилар Ватанни ташлаб,
Танидан олса ҳам жонни суғуриб.

Ёрилиб тугайди юраклари тарс,
Жудо бўлиб қолса Ватандан агар.
Ахир мард инсонлар шарпадай қочиб,
Яшай олмайдилар юртсиз, дарбадар.

* * *

Онанг алласини айтиб ҳам бўлди,
Дилингга чўғ солди меҳригиёдан.
Қарагин, сен учун оқ тонглар кулди,
Уялиб қолмагин дунёдан.

Йўлинг нурга тўлсин, йўлинг мўл бўлсин,
Лаҳза ажралмагин инсоф, ҳаёдан.
Юрагинг бебаҳо инжуга тўлсин,
Қарз бўлиб қолмагин дунёдан.

Қилич келганда ҳам бошингга, болам,
Юзингни ўгириб юрма зиёдан.
Умринг ғарибликда кечса ҳам, аммо
Бош эгиб ўтмагин дунёдан.

Абдухалил ҚОРАБОЕВ

Ҳамкасб

ҲОСИЛГА КИРГАН НИҲОЛ

Тасаввур қилинг: катта боғ, мевалаб ётган улкан дарахтлар ва у ер-бу ерда унаётган кичик-кичик табиий ниҳоллар, сиз у ниҳолларга кўп ҳам эътибор бермаган бўлишингиз мумкин. Улар эса ўсади, катталашади, гуллайди ва мева бера бошлайди. Сиз эса: "Тавба, бу кечагина йўқдай эди, энди манави меваларни қаранг", дейсиз. Оилада ҳам шундай: кенжа фарзандингизни гўдак деб юрасиз, аммо бир куни ана шу кенжанинг овози дўриллаб, қиз бўлса ойдек бўйи етиб гўзаллашиб қолганини кўриб ажабланасиз.

Умида Абдуазимова билан бизнинг орамизда ҳам шундай бўлди десам, ўқувчилар маъзур кўришсин. Чунки Умида мендан 17 ёш кичик ва биз уни ёш шоира деб келардик. Ҳолбуки, у 30 йилдан буён ижод қилиб, 16 китобнинг муаллифи бўлиб улгурибди. Албатта, гап меванинг кўп-озлигида эмас, унинг жамиятга керак-нокораклигида. Умида эса бу йиллар давомида кўп ва хўб қалам тебратиб, аллақачон ўз мухлисларини топиб, яхши шоира, адиба, журналист бўлиб улгурибди.

Умида фитратан гўзал инсон. Қиз боланинг гўзаллиги баъзан бошига офат бўлади, аммо Умидага саодат бўлди. Чунки у яхши оилада улғайди, яхши тарбия кўрди, яхши илм ва яхши таълим олди.

Умида 1953 йилда Тошкент вилоятининг Тошкент туманида туғилди. 1975 йилда Миллий университетимизнинг (илгари ТошДУ деб аталарди) Журналистика куллиётини тугатди. "Туркистон", "Маърифат" газеталари, "Саодат" журнали таҳририятларида ва бошқа кўп масъул вазифаларда ишлади. Бир неча йиллардан бери "Тонг юлдузи"да Бош муҳаррир бўлиб ишлаб келмоқда. Дастлаб болаларга шеърлар битиб юрган Умида кейинчалик ёшларга ёшлик ҳақида ёза бошлади. У кўпроқ аёл бахти, унинг кундалик ҳаёти, руҳий қаноат ва безовталик, ўзини ўраб турган жамият ва, айниқса, эркаклар билан мураккаб муносабатлар ҳақида ижод қилади. Унинг шеърларидаги энг муҳим хусусият самимийликдир. 1983 йилда нашр этилган шеърий китобидаёқ:

Йигитлар ишқ
изҳор этган чоғ,
Муҳаббатдан тониб
турамиз.
Қийнаймиз-у уларни,
бироқ
Биз ҳам пинҳон
ёниб юрамиз

— деб ёзганди.

"Ҳеч қачон мен сизга хиёнат қилмайман, сиздан ҳам ўзимга диёнат тилайман", "Муҳаббатсиз ўтма, ёшлигим", "Табассум-ла юрибман мен тараннум айлаб дилнинг шодлигию шўхлигин", каби эътироф ва тилаклар ўша давр тўпламларининг асосий мотивлари эди. Турган гап-



ки, Умида бошқа маиший мавзуларда ҳам қалам тебратарди, албатта. Аммо барибир аёл бахти, садоқат, вафо, ғийбатлардан тийилиш ҳақидаги шеърлари тўпламларида катта ўринни эгаллар ва бу ўқувчи диққатини ўзига жалб этар эди. Умида улғайган сари шеърларининг мавзу доираси ҳам кенгая борди. Фидойилик, жамият ҳаёти манзаралари, дунё ҳаёти, юрт тақдири, фасллар, хотирот ҳақидаги шеърлари бу фикрларимизнинг далилидир.

Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин эса у ҳақда шундай ёзади: "Куюнувчан, суюнувчан шоирамиз Умидахонни мактабда ўқиб юрган кезларидан — шеърларидан танийман. Кўп йиллар бўлди "Гулхан" журнали орқали Умидага оқ йўл тилаганимга. Буни қарангки, оқ ниятларим, пок тилакларим амалга ошиб бормоқда. Умида Абдуазимованинг китобига разм солиб, ютуқларидан суюндим. Шоира ўз шеърларида ёрга вафо, садоқат ва инсоний самимият тилайди. Айниқса, қизлар тилидан ёзганлари нафосатли, ёқимли".

Умида Абдуазимованинг адибалик фаолияти устида ҳам тўхталиб ўтишга эҳтиёж сезаман. Шу яқинларда бир куни шундай бўлди.

Билмадим, қай муносабат билан бирмунча эски нашрларни варақлаб ўтирардим. Бир оз униққан, сифати ўртамиёна бир китобчанинг муқовасидаги расм эътиборимни тортди. Тўзғиган сочлар, балки шамолларда қолиб юқорига ёйилган, бир қадар ёнаётган оловни эслатувчи алангадай сочлар, қошлари ўсмали, кўзлари сурмали, аммо нигоҳлари ғамгин, манглайига уч-тўрт ажин тушиб улгурган, ўйлаётган аёл сиймоси алланечук одамнинг хаёлларини безовта қилар эди. Китобчанинг номи — "Умрим зийнати", муаллифи Умида Абдуазимова экан. Уни варақлаган сари таҳлил доираси кенгайиб бораверади. Маҳалладан-туманга, тумандан-шаҳарга, шаҳардан-вилоятга, вилоятда бутун мамлакатга, ҳатто дунёга чиқиб бораверади ва ҳамма вақт муаллифни оила мустаҳкамлиги, маърифий-маиший маданияти масалалари қизиқтиради ва буни ҳеч диққат марказидан қочирмайди. Ҳатто адиба сифатида чет элга саёҳатда ҳам, чунончи, Сурия таассуротлари ҳам оила, меҳр-муҳаббат, эр-хотин, аёлга муносабат, дунёга берилмаслик, тинчлик, барқарорлик муаммолари сари ўсиб-улғайиб боради ва мен бу тўплам билан танишгандан кейин шундай хулосага келдим. Муқовадаги сурат ва ичидаги эсселар бирбирига муносиб ва улар бирбирини тўлдиради. Иккинчи хулосам шуки, Умида Абдуазимованинг бадиалари бундан 12 йил бурун қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугун ҳам шундай аҳамиятга эга, долзарблик хусусиятини йўқотмаган. Бу эса адиба учун мақтаса арзийдиган хусусиятдир. Унинг кейинги йилларда нашр эттирган "Ойдин орзулар" китоби ҳам маънавий-тарбиявий ва информацион аҳамияти жиҳатидан янада яхшироқдир.

Умида Абдуазимованинг бош муҳаррирлик фаолияти ҳам бир қатор муҳаррирлар фаолиятига қараганда ўрнаклироқдир. У таҳририят фаолиятида ўзи бўларчиликка йўл қўймай, янги-янги туркумлар ташкил қилиб, газета атрофига ҳаётнинг ҳамма соҳаси вакилларини жалб қилиб келмоқда. Газетани болаларнинг севимли нашрга айлантирди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бугунги кунда у миллионлаб ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланган.

Миразиз АЪЗАМ

Voice of America

Америка овози

www voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;
20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда
ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Спорт

Бейсбол Ўзбекистонда

Ҳозирда жаҳон миқёсида оммалашиб бораётган бейсбол ўйини тарихи кўпчиликни қизиқтирса, ажаб эмас. Бундан 164 йил аввал, яъни 1839 йилда АҚШнинг Куперстаун шаҳрида (Нью-Йорк штати) яшовчи Абнер Даблдэй антиқа спорт турини ихтиро қилди. "Антиқа" спорт тури бугунги кунда сизу бизга яхши таниш бўлган бейсбол ўйини эди. Бунгача ҳам АҚШ ва Англия халқи бейсболга ўхшаб кетадиган спорт тури билан шуғулланишарди. Бейсбол америкаликлар томонидан илиқ кутиб олинди ва тезда оммалашиб кетди. Унинг мавқеи америкача футбол ва баскетболникидан қолишмас эди. Ўйин ҳақида гап кетганда, ҳатто баъзи бир кузатувчилар шундай дейишади: "Бейсболни тушунмасанг, Американи тушунишдан умид қилма!"

АҚШ элчихонаси ҳам диёримизда бейсболни оммалаштириш мақсадида бир қатор хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, 2002 йил 23 ноябрда АҚШ элчиси жаноб Жон Ҳёрбст Халқаро ёшлар лигаси ҳамда "Wilson" спорт буюмлари ишлаб чиқарувчи компанияси тақдим этган 5000 АҚШ доллари миқдоридаги бейсбол анжомларини Ўзбекистон ёшлар лигасига топширди. Тақдим этилган бейсбол анжомлари билан 4 та жамоа таъминланди.

Бундан аввалроқ, яъни 2001 йил баҳорида жаноб Жон Ҳёрбст ташаббуси билан Ўзбекистонда биринчи Америка ёшлар бейсбол жамоаси ташкил этилган эди. Бу жамоа Ўзбекистон ёшлар жамоаси билан бир қатор учрашувлар ўтказиб келмоқда.

17 май куни эса Ўзбекистон Бейсбол федерацияси ҳамда АҚШнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида бейсбол бўйича биринчи халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Чилонзордаги бейсбол майдонида бўлиб ўтган мусобақада Ўзбекистон ва Қозоғистон ёшлар лигаси беллашдилар. Кескин ва қизиқарли баҳслар остида кечган ўйин ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлди: 9:2. Учрашув давомида бейсболчиларимизнинг пухта тайёргарлик кўришгани яққол кўзга ташланиб турди. Мазкур ғалаба замирида федерациянинг яқиндан кўрсатаётган ёрдами, тажрибали мураббийларнинг меҳнати ётганлигини таъкидлаш жоиз.

Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси, дилкаш инсон

Тўлқин САТИМОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғ ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси "Ўзбеккино" компанияси раиси, ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстга укаси

Элмурод ХОЛБОЗОРОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва "Ҳуррият" газетаси жамоаси Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир ва публицист Минҳожиддин Мирзога отаси

Мирзобек ҲОЖИМАТОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72, 41-49-91.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 331
Адади: 3305

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.